O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тиклониш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 29 декабр | 43 (173)-сон

ИЛҲОМНИНГ СИРИ

Куни кеча катта муваффақият билан ўтган, Олий Мажлисимизнинг декабрнинг охирги файзли кунларида якунланган сессиясида ўзимни тўлқинлантирган ҳодисалар тўғрисида фикрлашмоқчи бўлиб ўтириб, нима мени ҳаммадан кўра кўпроқ завқлантиргани ҳақида ўзимга ўзим ҳисоб бера бошладим. Декабр сессиямиз кўриб чиққан, муҳокама қилган, қабул қилган ва айримларини иккинчи ўқишда умумхалқ мушоҳадаси учун тақдим этган қонунлар бари мустақил миллий давлатимиз тарихида — эски ва янги тарихида биринчи маротаба қабул қилинди. Тоталитар замонларда ёки ундан илгарилар кимдир халқимиз ичидан шундай қонунлар ёхуд шунга ўхшашларини орзу қилганми, йўқми, буни айтолмайман: лекин ўз даврим ва замонам, унинг кишилари борасида хийла ишонч билан айта оламанки, яқин ўтмишда биз, айтайлик, уй-жойларимиз, уй-жойлар мулкдорларининг ширкатлари, тадбиркорлик ва инвестиция фаолияти, адвокатлик фаолияти, ўрмон, реклама, радиочастоталар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари сингари ижтимоий-хўжалик ҳодисалари ҳақида қонунлар яратилиши мумкинлиги, бу қонунлар ҳаётимиз асосларини мустаҳкамлаш, иқтисодий-ижтимоий-ҳуқуқий тараққиётимиз негизларини барпо этишга хизмат қилишини ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмаган эдик.

Мустақиллик шарофати билан давлат ва халқ ҳаётига кенг миқёсларда ҳақиқий яшаш, ишлаш, ижод қилиш, яратиш, ўсиш қонунлари кириб келди. Бу қонунларни ўқиганда, уларнинг мағзини чаққанда, ҳар бир сўзи, банди устида ўйга толганда, чин дилдан ажабланаман: биз илгари қандай яшаган эканмиз? Қонунсизлик муҳити бизни қандай кўтариб юрган экан? Биз чинакам миллий давлат қонунларисиз ўзимизни қанчалар инсон ва айниқса... ҚАНЧАЛАР ФУҚАРО ДЕБ ҲИС ҚИЛГАН ЭКАНМИЗ? — деган саволлар мени ўз гирдобига тортади. «Социалистик қонунлар» деб аталган қонунлар бор эди ва биз уларнинг бари нималарга, нималарни мустаҳкамлашга хизмат қилишини фаҳмлар эдик. Фуқаро дейилганда эса фақат ва фақат хизмат қилувчи ва хизмат қилдирувчи одамнигина англар эдик. Барча «социалистик қонунлар» шундай хизмат қилувчи ва хизмат қилдирилувчи, яъни зўрлаб, мажбурий тарзда ишлатилувчи кишиларни етиштириш, уларни ҳамиша маълум бир тоталитар чегараларда ушлаб туриш учун ярар эди. У қонунлар имконият очмас, балки шахс имкониятларини чеклар эди. Фуқаро эркинлиги дейилганда, бошимиз ҳамиша бетон деворларга бориб урилаверарди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг қонунлари — улар бари мустақил давлат тимсолларидир. Уларнинг бари Ўзбекистон фуқаролари олдида имкониятлар очади. Яшаш ва ўз равнақи, ўз эрки учун ишлаш имкониятларини очади. Шахснинг бутун ижоднорлик имкониятларини намоён қилиш, кўрсатиш имкониятларини очади. Ҳаётнинг оқил ва фозил меъёрларини белгилайди.

Бўлмаса, лизинг тўғрисидаги қонун бизнинг тушимизга кирибдими? Кимдир лабини буриб айтиши мумкин: шунча пайт лизингсиз яшаб келганмиз. Бундан кейин ҳам яшайверардик. Ортиқча бош қотиришга не ҳожат? Орамизда шундай фикрловчи кишилар камми? Йўқ. Лизингсиз балки «ростдан ҳам, яшаб бўлар. Одам ўлиб қолмайди. Тирикликнинг нон-чойини топиб куни ўтаверади. Лекин ҳозирги замон ҳаёти нуқтаи назаридан қараганда, лизингсиз ҳаёт кемтик. Тўлақонли эмас. Тўла ва ҳар томонлама маърифатли эмас. Лизинг ҳақидаги қонунсиз ҳуқуқларимизнинг сезиларли бир чеккаси қаттиқ ўксиб турадди.

Ҳар бир янги қонунимиз билан мен ҳаётимизнинг маърифати янги бир нуқтага кўтарилганлигини ҳис қилиб тураман. Ҳар бир янги қонун маърифатимизнинг янги даражаси ва савиясини кўрсатади. Қонунлар билангина ҳақиқий зиёли инсон, зиёли фуқаро, зиёли давлат, зиёли мамлакатга айланади ва танилади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов одамларнинг тушунчаларини ўзгартириш, фикр ўстириш, давримиз кишисини — фикр кишиси қилиш тўғрисида кўп қайгуради. У кенг миқёсдаги ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга ошишини мана шу нарсалар, яъни тушунчаларнинг ўзгариши ва янги фикрнинг пайдо бўлиши, устивор ҳодисага айланиши билан чамбарчас боғлаган ҳолда қарайди. Сессияда ўрмон тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида сўзлаганда ҳам, у Ўзбекистонда ўрмон ва умуман, мамлакат табиатига муносабатни шу нуқтаи назардан кўриб чиқиш ва қарашни таклиф этди. Табиат ва ўрмон тўғрисидаги одамларнинг тушунчаларини тубдан ўзгартириш йўлида иш олиб бориш лозимлигини уқтириб кўрсатди:

— Ҳар қандай, айтайлик, қурилиш ёки бошқа саноат, хўжалик ишлари олиб бораётганда, олдиндан ўзимизга савол беришни ўрганайлик ва шунга одатланайлик: қурилиш муҳиммми ёки ўрмон? Дарахтзорларни қуритган, кесган афзалми ёки уни насллар учун асраган? Биз ёшликда ўқиб юрган кезларимизда шаҳарда қанчадан қанча ариқлар, эмаклар шуқуҳ тўкиб ўсар, шаҳарликларни ўз соя-салқини, ҳавони тозалаши, файзи билан баҳраманд этарди. Айниқса зилзиладан сўнг асрий бундай дарахтлар кўплаб кесилиб кетди. Уларнинг ўрнига турли қурилишлар тушди. Ўрмонларни ўйламасдан кесиб ташлаш, тоғ ёнбағирларимиздаги неча юз йиллардан бери барқ уриб ўсган ажойиб арчазорларни барбод этиш яхши оқибатларга олиб бормаслигини мана ҳаётнинг ўзи аён кўрсатиб турибди.

Ўрмон ва табиатга, Абдулла Орипов айтмоқчи, ҳаёт манбайи сифатида қарашни ўзимизга сингдирсаккина ва шундай қарашларни ҳаётимизнинг таомилига айлантирсаккина табиатга уйғун кун кечирамиз, экология маданияти деган тушунчани маънавият ва маърифатимизнинг асосига қўямиз.

Президент Ислом Каримов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокамасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини депутатлар ва халқимизнинг диққат-эътиборига ҳавола қилди.

Шуни яна бир карра ростмана тан олиб айтишимиз керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусан, фуқаролар йиғинлари тўғрисидаги ғоя ва шу ғоя заминида Президент ташаббуси билан дунёга келган ушбу қонун Ўзбекистон миқёсида ҳам, дунё мамлакатлари қонунчилик амалиётида ҳам тамомила янги ҳодисадир. Чамаси, дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатида фуқаролар йиғини — маҳаллаларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари — бундай маъмурий тизим йўқ. Президент шунинг учун маҳаллани ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЎЧОҒИ — деб таърифлади. У ўз фикрида юз бора ҳақ. Яна шуни ҳам тан олишимиз керакки, бу айни чоқда Ўзбекистон демократияси — яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯнинг ҳам ўчоғидир. Чунки бу институт — маҳалла институти Ўзбекистонда, унинг шаҳарлари, қишлоқларида таркиб топди, маҳалла анъанаси пайдо бўлди. Мустақил мамлакат шароитида бу анъаналар янги ижтимоий даража ва мавқега кўтарилди. Биз бугун маҳалланинг жуда теран маъноли бирикма эканлигини кашф эта бошладик. У бора-бора том маънодаги демократия институтига айланади. Мана шу ажойиб қонун шунга жуда катта йўл очади.

— МАҲАЛЛА ФУҚАРОГА ЭНГ ЯҚИН ИДОРА, — ДЕДИ ПРЕЗИДЕНТ — МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАРНИНГ ИНСОНИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ОЧИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Биз маҳалла — фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларининг юксак маънода шаклланиши, таркиб топиши, фаолият олиб бориши фонида чин маънодаги фуқаро фигурасининг пайдо бўлиши ва ўзини намоён этиши ҳодисасига ҳам яқин келажагимизда ўзимиз гувоҳ бўламиз. Бу қонуннинг моддаларини ўқир экансиз, юрагингиз ифтихор билан тўлади. Бутун бир давлат миқёсида мислсиз бир кашфиётга шоҳид ва иштирокчи бўлаётганлигингизни сезасиз. Қонунлар жуда жиддий ҳуқуқий ҳодисадир. Уларни ҳиссиётларга берилиб таърифламайдилар. Қонунлар ҳиссиётлар билан ёндошишни ёқтирмайдигандек туюлади. Лекин фуқаролар йиғини тўғрисидаги сўзлар, қоидалар ва улар туфайли очилаётган фаолият, иш майдонлари хусусида фикр юритганда, одам ўзига ўзи тобе бўлолмайди ва беихтиёр ҳиссиётга ҳам андак табиий тарзда берилади. Бундай ўйлаб қарасангиз, хонадонларга, оилаларга ва уларнинг эшикларидан кириб чиқадиган инсонларга маҳалладан ҳам яқинроқ ташкилот йўқ. Маҳалла ўз-ўзини аъло даражада билади ва ўз-ўзини аъло даражада идора қила билади. Сиёсий савиямиз, ижтимоий савиямиз, маданий савиямиз оиладан ва демак, маҳалладан бошланади. Ва шу ерда кўпроқ билинади. Маҳалла эндиликда ўз атрофидаги инфраструктурани бошқариш, назорат қилиш ва демак, уларнинг хизматини юксак замонавий даражага кўтариш имконияти ва ҳақига эга бўлади. Бу жуда катта ҳақ-ҳуқуқ, жуда катта ижтимоий-ҳаётий имконият белгисидир. Маҳалла — Президентимиз айтмоқчи, демократия ўчоғи бўларкан, у чин маънода ижтимоий фаоллик ўчоғига ҳам айланажак. маҳалла ўз атрофига билимдон фаолларни тортиш, уларнинг ижодий кучларини намоён этиш ва барча фуқароларни фаоллаштириш қудратига эга. Шунинг учун Ислом Каримов жойларда бу қонунни алоҳида аҳамият бериб муҳокама қилишга, халқнинг фикрини билишга, халқнинг фикри билан қонунни янада бойитишга диққат-эътиборни жалб қилди.

Президентимизнинг 1999 йил давлат бюджети, Ўрмон тўғрисидаги ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги чиқишларига илҳом руҳи ёр бўлди. Президент мамлакат ва халқ тақдири учун беҳад муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ғояларни ўртага ташлади. Ўз ғояларини чин илҳом билан баён қилиб берди. Унинг Ўзбекистон қуролли кучларини модернизация қилиш, давлат маъмурий органлари тузилмаларини ўта ихчамлаштириш, уларни энг юксак замонавий даражада ҳаракатчан қилиш тўғрисидаги ғоялари мамлакат учун жуда катта қимматга эгадир. Бу улуғ ғоялар алоҳида таҳлилларни талаб қилади. Бу ҳаётий ғояларнинг мағзини чақар эканмиз, ўз-ўзидан бунча илҳом қаердан пайдо бўлади? Унинг манбайи нима? — деган саволлар ҳам туғилмай иложи йўқ.

Эҳтимол бунга турлича жавоблар айтиш мумкин.

Лекин Президент ўртага қўяётган асил ғоялар ва уларни амалга ошириш йўллари, имкониятлари мамлакатга, унинг халқига ҳақиқий муҳаббатдан, мамлакат тақдири ва халқ тақдири манфаатларини кўзлаб яшашдан ва шуларни энг юксак оъмол даражасига кўтаришдан, эътиқодга айлантиришдан чин илҳом туғилади деб айта оламиз.

Чин илҳом шуки, у халқни ҳам илҳомлантиради, ўз ортидан эргаштириб боради, халқни ҳам ўз хаёл ва оъмол юксакликларига кўтаради.

Чин илҳом мана шу.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ЁШ ОЛИМЛАР ИЛМИЙ СЕМИНАРИ

Шу йилнинг 24 декабр куни ЎзФА мажлислар залида республикамизда илк маротаба ёш олимларнинг биринчи семинари бўлиб ўтди. Уни «Ёш олимлар» семинар раисининг ўринбосари Дилфуза Ҳабибуллаева кириш сўзи билан очди. Семинарда «Ёш олимлар» илмий семинарининг Низоми билан жамоатчиликни таништириш» ҳамда «XXI аср бўсағасида ёшлар ва фан» мавзусига доир таниқли ва ёш зиёлиларнинг маърузалари тингланди.

ТошДУнинг тарих факултети декани З. Чориев илм ва тафаккур даврида мамлакатимиз ёшларининг фан тараққиётида тутган ўрни хусусида батафсил тўхталди. Шунингдек, тарих ва археология секторининг масъули Ҳ. Жамолиддинов, ҳуқуқ секторининг масъули У. Охунов, журналистика ва филология секторининг масъули У. Каримова, фалсафа секторининг масъули Ш. Ғоипова, педагогика ва психология секторининг масъули С. Тўйчиева, хорижий алоқалар бўйича масъул Б. Жўраева ва бошқалар бу борадаги мулоҳазаларини баён қилдилар.

Ёш олимлар семинарида талабалар ҳам қатнашиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси ёш олимларининг ижтимоий гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича илмий семинари ҳар ойнинг охирги пайшанба куни ўтказиладиган бўлди.

Муҳайё ҲАМИДОВА

Рассом Гулзора Султонова

МУҲТАРАМ ЧИНГИЗ ОҒА!

Сизни 70 йиллик тўйингиз ва шу муносабат билан Сизга берилган Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан қизғин муборакбод этамиз!

Сизни Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга, тарихий таркиб топган ўзбек-қирғиз маданий ва маънавий алоқаларини чуқурлаштиришга, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги анъанавий яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссангиз ҳамда адабий фаолият соҳасидаги катта хизматларингиз учун 70 йиллик юбилейингиз муносабати билан берилган ушбу мукофот қалбларимизни қувончларга тўлдирди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази Миллатлар Саройида бўлиб ўтган тантанали шодиёнада иштирок этган таниқли ёзувчи ва шоирларимиз ҳамда ўзбек, қирғиз, рус, қозоқ, тожик, татар, турк, қорақалпоқ ва бошқа қатор миллатлар вакилларининг чиқишларида Сизнинг шахсингиз ва ижодингизга қаратилган юксак эҳтиромли сўзлар такрор ва такрор жаранглади.

Чунки Сиз барчамизнинг севикли адибимиз, дилдош дўстимиз, фахримиз ва ифтихоримизсиз.

Биз барча анжуман иштирокчилари номидан Сизни яна бир бор муборакбод этиб, сиздек буюк сўз санъаткорига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодий зафарлар тилаб, Сиз билан гўзал Ўзбекистонимиз баҳорининг тароватли онларида бўладиган ҳаяжонли учрашувларимизни интизорлик билан кутиб қоламиз.

Сизга чексиз эҳтиромлар ва қардошлик меҳр-муҳаббатлари ила тантанали анжуман иштирокчилари номидан:

О. ЁҚУБОВ,
Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг биринчи вице-Президенти
А. ОРИПОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси.
К. РАСУЛОВ,
Ўзбекистон республикаси Байналмилал маданият маркази раҳбари, «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Кенгашининг ҳамраиси.

ЎЗ УЙИМГА КИРИБ КЕЛГАНДЕК...

Ҳаммаларингизга маълумки, бу йил барчамизнинг севикли ёзувчимиз, замонамизнинг атоқли адиби, улкан жамоат арбоби Чингиз Тўрақулович Айтматовнинг 70 йиллик юбилейи бутун жаҳон бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Бу эса, Марказий Осиё халқларининг чинакам ифтихорига айланган улуғ ёзувчимизга нисбатан жаҳон афкор оммасининг юксак эҳтироми нишонасидир.

Биз — ўзбекистонликлар Чингиз Айтматовни нафақат истеъдод соҳиби ҳамда улкан адиб сифатида, айни чоғда минтақамиз халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлаш ишининг чинакам сидқидил тилакдоши сифатида ҳам ғоят қадрлаймиз.

Шу боисдан ҳам, Чингиз Айтматовни 70 йиллик юбилейи муносабати билан: Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Президентимиз Фармони қалбларимизни қувончга тўлдирди.

Чингиз Айтматов бизнинг идорамизга бир неча бор ташриф буюрган ва мана шу саройда бу улуғ ижодкор билан унутилмас учрашувлар бўлиб ўтган эди. Ана шу учрашувларнинг бирида Чингиз оға: «Мен бу Миллатлар Саройига ўз уйимга кириб келгандек келаман» — деган эди ва бизнинг ташкилот билан Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага бажонидил имзо чекиб, Фахрий меҳмонлар дафтарига қуйидаги дил сўзларини ёзиб қолдирганди: «Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази тимсолида қарор топган бундай ташкилот ва унда фаолият кўрсатаётган шахслар ўзларини миллатлар ва элатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдек ўта нозик ва олижаноб ишга бахшида этаётганликлари билан қалбларимизда чуқур миннатдорчилик туйғуларини ҳосил этадилар. Бунинг учун сизларга ташаккурлар билдираман ҳамда Сизлар билан ҳамкорликка ҳамиша тайёрман».

Шунинг учун ҳам, айтиш мумкинки, шодиёна ёзувчимизнинг севикли уйи бўлмиш Ўзбекистондаги Миллатлар саройида ўтказилганлиги билан ҳам бағоят эътиборлидир.

Миллатлар саройида 22 декабр куни Чингиз Айтматовга «Буюк хизматлари учун» ордени берилганлиги муносабати билан адабий-бадиий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистонда яшовчи барча миллатларнинг вакиллари, миллий марказларнинг раҳбарлари ва фаоллари, ёзувчилар, шоирлар, олимлар — зиёлилар иштирок этдилар. Анжуманга атоқли адиб Одил Ёқубов раислик қилди. Элимизнинг таниқли адабиёт намояндалари Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Рамз Бобожон, Иброҳим Ғафуров, Муҳаммад Юсуф, олим ва журналист Қалдибек Сейданов, ёш шоира Гулжамол Асқарова, шоир Мекембой Умаров, Қуйи Чирчиқ тумани Байналмилал маркази раиси Ашир Қўсаев, Тошкент Давлат техника доирилфунуни ректори Тўлқин Миркомилов Чингиз Айтматовнинг дунё маданиятидаги ўрни, Айтматов ва Ўзбекистон деган мавзуларда ўз қайноқ дил сўзларини айтдилар.

Ёрқин, мазмундор ўтган кечада Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов сўзлаб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётгани учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, халқимизга, зиёлиларга чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Йиғилишда бир гуруҳ ўзбек зиёлиларининг Чингиз оғага табрик хати ўқилди.

Муножотхон НУРМАТОВА,
Байналмилал марказ раисининг ўринбосари

• Бирлашган тожик мухолифати бугун ўз қуролли кучларини тарқатишни эълон қилиши кутиляпти. Саид Абдулло Нурийнинг айтишича, ҳукумат қасамёд қабул қилган мухолифат жангчиларини ўз қуролли кучларига қўшиб олишга тайёр.

• Президент Ельцин давлат бошлиғининг бир қанча ваколатларини парламентга беришга қарши эканлигини билдирди. Россия ҳамиша кучли олий ҳокимиятга муҳтож бўлиб келган. Агар парламент республикага айлантириладиган бўлса, Россияни «Осонгина бой бериб қўйиш мумкин». Жаноб Ельцин мамлакатда муддатидан илгари Президент сайловини ўтказишни ҳам рад этди.

• Ирландияда жуда қаттиқ довул ўтди. Бир одамнинг автомобили устига дарахт қулаб, ҳалок бўлди. Ирландия соҳилларида шамолнинг тезлиги соатига 160 км.га етди. Англияда соҳилда сайр этиб юрган бир одамни катта тўлқин олиб кетди.

БИР ЎҚ АТРОФИДА АЙЛАНАР ЖАҲОН

Юрт кечмишлари

ТУРК ДУНЁСИ ВА ИЛМИНСКИЙ

Чор Россияси Қозон ва Астрахан хонликларини босиб олгач, маҳаллий аҳолининг тили, дини, тарихи, миллий анъаналари ва маданиятини унинг ҳаётидан, онгшууридан буткул чиқариб ташлашга астойдил киришди. 1917 йилги тўнтаришдан кейин бу жараён янги поғонага кўтарилди. Бутун бошли бир механизм миллий ўзликни унуттиришнинг, манқуртлаштиришнинг янги-янги тадбирларини ўйлаб топди. Чор Россияси даврида бу сиёсатнинг бошида турганлардан бири Николай Иванович Илминский (1822—1891) эди. У аслида «Бобурнома», «Қисас-ул-анбиё» сингари асарларни чоп эттириб, туркий тиллар бўйича бирмунча тадқиқотлар олиб борган олим саналади. Босқинчи Россия ҳукумати учун унинг бу фаолиятидан кўра бошқа миллатларни руслаштириш, мусулмонларни христианлаштириш хусусидаги фикрлари муҳим эди. Илминский Россия ҳукмронлиги остида яшаган ғайрирус миллатларни руслаштиришнинг бирдан-бир йўли уларга рус тили ва христианликни чуқур ўргатишдир деб билди. У Қозон диний академиясида, Қозон университетида дарс берганда, Қозон ўқувчилар семинариясида директорлик қилганда бу фикрларини сингдиришга ҳаракат қилган. Бундан руслаштиришда Илминский услуби деган тушунча пайдо бўлиб, шу асосда мактабларда дарс ҳам берилган.

Илминскийнинг бошқа миллатларни руслаштириш йўлидаги қатъий ҳаракатини кўрган рус ҳукумати доиралари, жумладан, маориф вазири Д. А. Толстой, Илминский услубининг яхши бир натижа беришига ишонч ҳосил қилдилар. Толстой Илминский услубида дарс берилаётган мактабларнинг таълим тизимини пухта ўрганди, айрим соҳаларда у билан баҳслашди. Сўнгра Илминский услубини бутун мусулмон турк ўлкаларига,жумладан, туркийлар кўп яшайдиган Туркистонга ҳам қўллаш зарур экан, деган тўхтамга келди. Ва чоризм ҳукмдори Александр иккинчига мактуб йўллаб, ўз садоқатини шундай изҳор қилди: «Рус бўлмаган миллатларни тарбиялаб саводли қилишнинг ва уларга руслик руҳини сингдиришнинг давлатимиз олиб бораётган сиёсат нуқтаи назаридан жуда аҳамиятли бўлганини англаяпман». Мактубда бошқа миллат фарзандларини ўқитишда руслаштириш билан боғлиқ бошқа таклифлар ҳам бор эди. Уларни маъқул кўрган чор ҳукумати 1870 йилда Илминский услубида ўқитишни рус бўлмаган миллатлар таълимига тадбиқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Вазирликнинг ўша йилги буйруқлар тўпламида «Барча бегона халқлар маорифининг пировард мақсади... уларни ҳеч шубҳасиз руслаштириш ва рус халқи билан қўшиб юбориш бўлмоғи керак», деган сўзлар ошкора ёзилган эди.

XIX асрнинг охирларида Туркистонда очилган рус—тузем мактаблари ҳам худди шу мақсадда иш бошлагани сир эмас. Буни 1882 йилнинг 30 августида Н. Остроумов директорлик қилган Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясида бўлиб ўтган бир анжуман ҳам тасдиқлайди. Унда «Русиялик ғайрижинс мусулмонлар маорифининг асосини қандай тамойиллар ташкил этмоғи керак?» деган масала муҳокама қилинган. Ва ўлкадаги маориф тизимининг асосий мақсади шундай белгиланган: «мусулмонларимиз маорифи учун асос қилиб олиниши шарт бўлган биринчи бош тамойил уларни руслаштириш... иккинчи тамойил... исломни бузиш... қисқача айтганда, ёт мусулмонларимизнинг умуман диний жиҳатларини бузишдир».

Шу ўринда ушбу кўчирмани изоҳлашдан тийилиб, Ҳиндистонни идора қилган шоҳ Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган «Махфий васиятнома»сидан баъзи сатрларни келтирсак. Бобур ёзади: «Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлакати турли мазҳабларидан маъмур бўлган (ташкил топган). Оллоҳ таоло Сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқасига (йўлига) адолат қилинг. Хусусан, Ҳиндистоннинг қалбини қўлга киритаман десангиз, сигир сўймоқдан ўзингизни тийинг (матнда: парҳез қилинг). Бу яхшилигингиз (эҳсонингиз) эвазига шу вилойат аҳлининг қалби Сизга яқин бўлади.

Қўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларини хароб этманг». Икки кўчирмада



икки хил қараш, икки хил йўлланма: бирида — исломни бузиш, иккинчисида — ҳар мазҳабнинг тариқатига ҳурмат кўрсатиш.

Шуниси қизикки, Илминский услубида очилган мактабларнинг айримларида рус ҳукуматига садоқатли хизматчи тайёрлаш ўрнига татар ёшларини миллатпарварлик руҳида тарбиялаш ҳоллари ҳам кузатилган. Илминский бундай мактабларни зудлик билан беркиттирган. У 1888 йил 3 октябрда Победонощевга юборган бир хатида шундай ёзади: «Оренбург ва Қозонда очилган рус—татар мактабларининг ёпилиши учун буйруқ бердим. Зеро, бу очилаётган рус—тузем мактабларидан норозилигини шундай билдиради: «Ҳамма ерда очилаётган мусулмон мактаблари нима ўзи? Маънилик ишми ёки жиддий нарсами — билишни истардим. Биринчиси тўғрироқ бўлса керак деган хавотирдаман. Агар мактаблар олдиндан кўзланган мақсадсиз, оқибатда нимага олиб келишини ўйламасдан очилаётган бўлса, уларни очмаслик маъқул. Кейин бориб пушаймон бўлиб қолмайлик».

Илминский Победонощевга ёзган бир мактубида масалани кескин қилиб қўяди: «Бу бизнинг қилганларимизга ва қилмоқ истаганларимизга тескари бўлгани каби, рус христианлиги учун ҳам буюк таҳлика солади. Бунинг учун Гаспринскийнинг ва газетасининг овозини ўчириш керак. Буни таъмин қилиш учун ҳукуматнинг мансабдор кишилари билан учрашишинг керак ва лозим бўлган ишни қилдиришинг зарур».

Исмоил Гаспрали Илминскийнинг кадрлар танлашдаги таъсири ҳақида шундай деб ёзган эди: Бутун мусулмон Шарқида Илминскийдан сўралмасдан, унинг билан келишмасдан ҳеч бир иш қилинмас эди. Унинг розилиги бўлмаган ерли арбоблар ишдан четлаштирилар ёки бошқа ишга алмаштирилар эди. Н. И. Илминскийнинг кучли қўли фаланиши керак эди. Илминский шу муносабат билан маслақдоши Победоносевга бир мактуб йўллайди. Унда газеталарда муфтийликка номзодлар кўрсатилаётганлиги, улар орасидан Қозон олимларидан муфтий бўлиши мутаассиб бўлса ҳам рус тилини ва маданиятини билган бирисидан афзалдур. Хусусан, аҳли шараф, аҳли насаб бўлса, бунақаларидан қўрққулик. Агар мусулмонлардан дорулфунунни битириб чиқ ғон бўлса, алҳазар-алҳазар, бундан ёмони йўқдур».

Победонощев бу мактубга 28 апрелда жавоб хати юборади. У хатида Уфадан 100 километр узоқликда яшайдиган Султоновнинг ислом жамияти муфтийлигига лойиқ эканлигини, аммо номзодлар орасидаги Солиҳ Бекчуринни муфтийликдан узоқлаштириш савоб ва фойдали эканлигини билдиради ва хатини шундай сўзлар билан якунлайди: «Бизга кераклиги шулдирки, Қозон аҳли ва қримликлар муфтийлик мансабидан узоқда бўлсунлар. Чунки алар дўст тутувчи, ҳамиятлик, миллатчи кишилардур».

Победонощев Илминскийга 29 апрелда яна бир мактуб йўллаб, Туркистонда узоқ муддат ишлаган Иброҳимов номзоди хусусида фикр билдиради. Иброҳимовнинг ақлли, зукко ва тадбирли киши эканлигини маълум қилиб, шундай ёзади: «Зарурат вақтида ифодаи маром қиларкан, илми ва маълумоти ила, ҳуррият ила сўзларкан, ҳар кимни гап билан ўраб кетиб, ўз йўлига юргиза оладурғон қудрати бордур...

Сўзимни(нг) мухтасари шулки, бундоқ одамлар ва ўхшашларини бизни(нг) йўлимизга мойил қилиш мумкин эмасдур. Бизга шундоқ одамлар бўлсаки, тилимиз билан, қўлимиз билан ўз тарафимизга бура олсак. Шундоқ одам бўлсаки, русча сўзлағонда, сўз орасида баъзи хатоси чиқуб, хижолатлигидан юзи қизарса. Хат ёзғонда ғалат ёзуб маҳжуб (уятли) бўлса. Кичикроқ рутбадаги ҳокимларимизни кўрганда ҳокимни(нг) ҳайбатидан қўрқуб, волийни кўрғондаги ҳолдан зиёдароқ елкаси титраб турса».

Илминский турк мусулмонларини бир-биридан ажратиш, парчалашга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай ғовни ўртадан олиб ташлашга ҳаракат қилди. Унга туркийларни бирлаштириб турадиган воситалардан бири араб алифбоси ва туркийларнинг тили бўлиб туюлди. Илминский араб алифбоси ўрнига рус ёзувини жорий қилиш ва шу асосда муштарак тилларни бир-биридан ажратиш режасини ишлаб чиқди. Сўнгра 1876 йилнинг 25 майида маориф вазири Толстойга мактуб йўллаб, рус алифбосини мусулмон туркларига жорий қилиш зарурлиги тўғрисида маълумот берди. Албатта, бу мақсадни чоризм даврида амалга ошириш имкони бўлмади, большевистик тузум эса, чоризмдан қаттолроқ чиқди. Бир ҳамлада туркий ёзувларни ўзгартирди. Маҳаллий тилларни топтади, миллий маданиятга зуғум қилди, миллий қадриятларни унуттиришга интилди...

Шу маънода, мустақилликдан кейин миллий ўзликни англаш борасида қилинаётган ишлар буюк мақсадли ва ғоятда қадрлидир.

Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ

УМИДНИ ОҚЛАЁТГАН «УМИД»



Тадбиркор Имомали Назаров

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги 1991 йили ташкил этилган «Умид» деҳқон-фермер хўжалигининг туман иқтисодий ҳаётида мавқеи, эл назарида эса, эътибори бор. Хўжаликда қорамоллар сони 120 бошдан ошди. Бу ердаги фидойилар ҳар гал қилаётган меҳнатларини ҳам тажриба билиб, фикр юритиб фаолиятга киришадилар.

— Сутни кўпайтириш ва сифатли гўшт етиштиришнинг асосий омили аввало наслчилик ҳисобланади. Иккинчидан, озуқанинг хилма-хиллиги муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, соғин сигирга кунжара берилса, сутнинг ёғлилиги ортади. Лавлаги кўп берилса, миқдори кўпаяди, бироқ ёғи кам бўлади. Агар сигир далада ўтлатилса, бундан ҳам юқори натижаларга эришилади. Бир жойда боқилган соғин сигир билан далада ўтлаган сигирнинг орасида фарқ катта. Бўрдоқи новвослар бир жойда боқилса ҳам семираверади. Лекин соғин сигир ҳар куни сут бериши керак. Уни ўз вақтида етарли калорияли, хилма-хил озуқа билан озиқлантиришингиз шарт. Шундагина мақсадга эришишингиз аниқ, — дейди тадбиркор фермер Имомали Назаров биз билан суҳбатда.

Ҳақиқатан, унинг сигирлари бир кунда 28-50, 35-40 литрга етказиб сут бермоқда. Хўжаликнинг 35 гектар экин майдони бор. Бу ерда буғдой, макка дони, силос учун макка, беда, картошка, пиёз, карам, шоли етиштирилмоқда. Ферма ишчилари учун ҳаммом қурилган. Ун тегирмони ҳам ишлаб турибди. Қисқаси, 15та оила «Умид» фермер хўжалиги орқасидан рўзғор тебратмоқда. Кўнгилда ният, амалда эса режалар кўп, — деди И.Назаров хайрлашаётиб.

Яқинда хўжалик сутни қайта ишловчи кичик корхонани очди. Бу корхона боғча ва касалхоналарга сут маҳсулотлари етказиб бермоқда. Хўжалик ихтиёридаги дўконларда гўшт ва сут маҳсулотлари доимо бор.

«Умид»нинг халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларига ҳар доим омад ёр бўлишини астойдил ният қиламиз.

Зиёда ДАДАХЎЖАЕВА



ДИЛ ДИЛ МЕҲРИГА ҚОНСА

Яқинда эълон қилинган «Отангиздан нима ёмонлик кўрдингиз» сарлавҳали мақола мени мулоҳазага тортди. Чинордек тўртта ўғли бўлатуриб Ҳазратқул бобонинг қариялар уйида умр кечираётгани — тирик ёлғизлик ҳақида ўқиб кишининг дили бир қалқийди: «Нега?» Тўртови турмуш аравасини тўрт томонга тортади. Ота белидан қувват, тиззасидан мадор кетган пайтда уларнинг «эсидан чиққан», гўё аллақачон «оламдан ўтган». Қариялар уйида яшаётган отанинг муштоқ нигоҳлари кечаю кундуз йўлда. Болалари эса турмуш ташвишлари билан овора. Шу мақолада онасини ташлаб кетиб, кўп йиллардан бери ундан хабар олмаган фарзанд ҳақида ҳам фикр юритилган. Сўнгги вақтларда бундай ҳолатлар ҳақида кўплаб эшитаётганимиз нимадан далолат беради ўзи, ўйлайсан киши.

Мен икки йилдан бери ота-онам бағридан йироқда яшаяпман. Шу вақт мобайнида ота-боболаримизнинг «Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан» деган гаплари қанчалик тўғри эканлигига амин бўлдим. Болалигимда улар билан «келишолмай» қолган вақтларим бўлган, албатта. Ҳозирлар эса кечалари «Ўша пайтлари уларни хафа қилмаганмиканман» деган изтиробли ўй билан ётиб, хаёлан минг-минг узрлар сўрайман.

Отасини ёки онасини қариялар уйига ташлаб кетган фарзандлар ҳақида эшитсам, ота-онаси оламдан эрта кетган, дили армонли кишилар кўз олдимга келаверади.

Бундан уч-тўрт йил илгари отаси вафот этиб кетган яқин синфдош дўстимникида туғилган кун муносабати билан бир кеча меҳмон бўлдим. Аллаҳалгача суҳбат қилиб ўтириб, ухлаб қолибман.Бирон соатлардан кейин уйғониб қарасам, ўша дўстим магнитофонни қўйиб, «Отажон» деган қўшиқни қайта-қайта кўзида ёш билан эшитиб ўтирарди. Менинг унга халақит бергим келмади ва яна кўзимни юмдим. Қанийди энди уйқу келса... Дўстимнинг ҳолатини кўриб, жуда-жуда раҳмим келиб кетди. Тонг отгунча мен ҳам ухлай олмадим ва албатта дўстим ҳам...

Дунёда кимлардир ота меҳрига зор, қай ота эса фарзанд меҳрига ташна. Мен инсон чин маънода инсон бўлиб, бир-бирининг иззатидан ўсиб, умри ортиб, кўнгил кўнгилни яшнатиб, дил-дилнинг меҳрига қониб яшаса дейман.

Шерали НИШОНОВ

«Одамлар китоб-газета ўқимай қўйишди» деган гаплар, «Ҳозир ҳамма фақат ўзини ўйлайдиган бўлиб кетган, бировнинг биров билан иши йўқ» қабилидаги таъна-дашномлар ҳунчалик тўғри эмас экан. Мана, сизга сўзимнинг исботи учун бир мисол: матбуотда «Ўғлим, сен борсану нега йўқдайсан?..» сарлавҳали мақолам эълон қилингач, таҳририятимизга кетма-кет қўнғироқлар бўлди, турли касб эгаларидан ўнлаб хатлар келди. Қисқаси, муштарийлар кўтарилган муаммога — аянчли оилавий можароларга лоқайд-бефарқ қарашмади. Уч қисмат соҳибининг дил дардларига орқаворотдан бўлса-да, шерик бўлишди, ўзларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини вақт топиб, эринмай ёзиб юборишди. Баъзилари, иложи бўлса, қаҳрамонларимиз билан юзма-юз учрашиш, бафуржа суҳбатлашиш истагини билдиришди. Бир сўз-ла айтганда, орамизда ўзгалар бахтидан суюнадиганлар ҳам, ҳатто етти ёт бегоналарнинг ғам-ташвишидан куюнадиганлар ҳам ҳали кўп экан.

Мактублар билан танишаётган маҳалим мактаб ўқувчилари томонидан битилган қуйидаги сатрлар беихтиёр диққатимни тортди: **«Биз мақолани «Тарбиявий соат» дарсида ўқиб, муҳокама қилдик. Ундан тегишли сабоқ олдик. Кейинроқ шу асосда иншо ҳам ёздик. Фақат бир нарсадан сал таажжубландик. Муаллиф хулоса жараёнида оилани қўш устунли айвонга қиёслабди. Шу таъриф тўғримикин? Аксинча, оиладек муқаддас тушунчани бир оз торроқ талқин қилишга кирмасмикин? Ҳарқалай, одамзот туғилиб ўсадиган, одоб-ахлоқ ўрганадиган, бахт-саодат топадиган хонадон билан шунчаки унинг корига ярайдиган оддий айвон ўртасида еру осмонча фарқ бор-ку!..»**

2

Нимаям дердим? Аввало, мақолани қулаа қилганликларинг ва муносабат ёшларга катта раҳ-нт-ҳафсала билан мутори, тўғрими-нотўғрими, билдирганликлари учун дан фойдаланиб, мат. Иккинчидан, фурсат-уларнинг саволларига аниқ жавоб қайтаришим шарт. Негаки, «Оила — қўш устунли айвон» деган жумлани мен ўзимча тўқиб ёзганим йўқ. У аслида авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир ҳикматдир. Демак, ижодкори халқдир. Халқ сўзи эса, биласиз, ҳамиша ҳақдир. Унга асло шак келтириб бўлмайди, одамлар кунда-кунаро такрорлайдиган сўз ўлмайди. Қолаверса, эл-улус бир нарсани хўб билмаса, ҳаёт синовидан кўп ўтказмаса, ҳуда-бехуда башорат қилмайди. Қатъий хулоса чиқаришдан олдин доимо тўғри йўл тутади: керак бўлса, юз ўлчаб, бир кесади, керак бўлса, минг йил ўйлаб, бир айтади.

Бинобарин, ҳикмату мақоллар бизга бобокалонларимиздан қолган меросдир. Таъбир жоиз бўлса, ўтмиш билан бугунни боғлаб турувчи кўприкдир. Улар орасида оилага тааллуқлилари ҳам талайгина. Ўрнига қараб баъзилари тўғри, баъзилари маъжозий-рамзий маънода айтилган. Аммо ҳаммаси ҳам моҳиятан бир мақсадга йўналтирилган, Эзгулик ва Яхшилик руҳи билан йўғрилган. Масалан, «эр яхши — хотин яхши, хотин яхши — эр яхши», «Эр — авра, хотин — астар», «Эр вазири — хотин, рўзғор оғири — ўтин», «Хотин — бўйин, эр — бош», «Эр қоплар, хотин саклар», «Хотин — уй безакчиси, эр — уй кўмакчиси», «Хотинли уй гулдир, хотинсиз уй чўлдир», «Яхши хотин умр боли, ёмон хотин жон заволи», «Мард хотинини қаритмас, ботир отини ҳоритмас», «Ўнтанинг ёр-ёри бўлгунча, биттанинг вафодори бўл!», «Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор, икки ёмон бир бўлса, кун қайда бор?», «Сув бир лойқаланмай тинимас», «Ошсиз уй бор, уришсиз уй йўқ», «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетар», «Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши», «Уй сири — ёпиқлик қосари олтин» каби мақол-зон», «Сабр таги — Уларнинг айримларида ларни эсга олайлик. эр-хотиннинг оила-даги мавқе-эътибори, бу- рч-вазифалари улуғ-ланса, бошқаларида хонадон тинчлигининг, турмуш фаровонлигининг гарови ўзаро Тотувлик, Ҳамжиҳатлик, Меҳр-Оқибат, Вафо-Садоқат эканлиги таъкидланади.

3

Масалага шу жиҳатдан ёндошсак, «Эр-хотин — қўш ҳўкиз» ёки «Эр-хотин — қўш қанот» ҳамда «Оила — қўш устунли айвон» сингари бир-бирига ҳамоҳанг ҳикматлар ҳам бежиз туғилмаган. Бу ўхшатишлар, гарчи бир оз қўполроқ бўлса-да, одамга сал эришроқ туюлса-да, замирида теран маъно мужассам: омочга қўшилган жониворларнинг бирови ялқовлик қилса ёинки бўйинтирикни нуқул четга суриб кетаверса, нима бўлишини биласиз — ер текис ва чуқур ҳайдалмайди. Қайсидир қаноти қайрилган қушнинг аҳволи ҳам маълум: у ўз макони — тоза ҳавода эркин учолмайди. Худди шунингдек, яхлит томни кўтариб турган жуфт устуннинг хоҳ униси, хоҳ буниси чириса ёки ногоҳ синса, иккинчисиям зил кетади. Оқибатда омонатлашиб қолган иморат бемаврид қулаб тушади.

Бу янглиғ ҳикматлардан келиб чиқадиган сўнг хулоса битта: оила ҳам бамисоли қўш устунли айвондир. Унинг бир таянчи эр бўлса, иккинчиси, шубҳасиз, унинг жуфти ҳалоли — аёлдир. Бас, шундай экан, улар оила тақдири учун баб-баравар жон куйдирмоқлари, гарданларидаги тириклик юкини тенгма-тенг тортмоқлари даркор. Акс ҳолда, оила оила, рўзғор рўзғор бўлмайди. Айни чоғда, эркаксиз ёки аёлсиз хонадонга тугал бахт кулиб боқмайди. Биз истаймизми-истамаймизми, тан оламизми-йўқми, асрлар оша синовдан ўтган, барчага бирдек аён бўлган тайин ҳақиқат шу!

Энди ўз-ўзидан ҳақли модомики, оила қўш ус-бир савол туғилади: шона экан, уни кимлар қу- тунли муқаддас ко-ради? Биламан, жавобин- ради ва қандай қу-боягина ўзингиз айтганингиздек эр-хотин-да», дейсиз. Юзаки қараганда, ҳақиқатан ҳам шундай: оила аслида бўй етган йигит-қизнинг бир-бирига сирли-синоатли, илиқ муносабатидан бошланади. У аввал-бошда шунчаки Дўстлик деб аталади. Лекин бу Дўстлик одатдаги дўстликдан бошқачароқ кечади. Кўпинча инсониятга Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос эзгу туйғу — севгига доялик қилади. Севгининг эса ўзи бир, макони икки бўлади. Аниқроғи, у алоҳида-алоҳида юракда ниш уради-ю, росмана илдиз отиб куртак ёйгач, қўш дил уйини забт этади. Шу асно кимларнидир бийрон-бийрон сўзлатади, кимларнидир минг бир кўйларга солиб зор-зор бўзлатади. Ҳижрон-Изтироб чорраҳаларидан лат емай, эсон-омон ўтиб олса, Висол бекатида ошиқ-маъшуқлар бошини қовуштиради. Сўнгра ўрнини ўзидан-да юксакроқ туйғу — Муҳаббатга бўшатиб беради.

4

Муҳаббат Севгига нисбатан қамрови кенгроқ, мазмуни чуқурроқ тушунча. Севги деганда асосан икки қарама-қарши жинснинг ҳам жисман, ҳам руҳан бир-бирига интилиши тушунилади. Унинг бош шарти вафога Ваъда ҳисобланади. Муҳаббатнинг қиймати эса, ваъдага Вафо билан ўлчанади. У вақт ўтгани, вақт ўтиб тоблангани сайин янада нозикроқ, янада мураккаброқ инсоний фазилатга — Меҳрга қоришиб кетади. Атиги тўрт ҳарфдан иборат мана шу биргина сўз қолган жамики қадриятларни ўзида жамлаган ифода этади. Моҳиятан ота-онага Меҳр-Оқибат, оилага Меҳр-Садоқат, фарзандларга Меҳр-Мурувват сингари теран маъноларни англатади.

Алқисса, ота-онасини қадрлаган одам ўғил-қизларини ҳам улуғлайди, оиласини улуғлаган одам эл-юртини ҳам қадрлайди. Бироқ бу қайтар дунёда ҳамма нарсанинг ҳам тошу тарозуси бор. Чунончи, чеки-чегараси, нарх-навоси йўқдек туюлган меҳр-оқибатнинг, вафо-садоқатнинг ҳам ўзига хос ўлчов-мезонлари бисёр. Уларнинг ибтидоси Бурч, интиҳоси Масъулиятдир. Талаби қатъий, жавоби оддий: кимда-ким мудом ота-онаси, болалари, умр йўлдоши олдидаги бурчини унутмаса, вақти-соати келиб одамлараро обрў-эътибор қозонади. Кимда-ким ҳеч қачон миллати, халқи, Ватани олдидаги масъулиятини ёдидан чиқармаса, эларо Қадр-Қиммат топади. Пировардида, Мурод-Мақсадга етишади, Бахт-Саодатга эришади. Фақат бунинг учун бир нарсани эсда тутмоғи керак: ҳар доим ҳаёт синовларига, турмуш машаққатларига шай турмоғи керак. Қаноат, Сабот-Матонат билан енгиб ўтмоғи керак.

5

Бу жўн, шу билан бирга чўнг ҳақиқат ҳозирга қадар бирон-бир қонунлар мажмуасида ёзиб қўйилмаган. Турган гапки, бундан кейин ҳам ёзиб қўйилмайди. Сабаби аён: Севгини қўл билан ушлаб бўлмайди, Бахтни кўз билан кўриб бўлмайди. Уларни фақат юрак-юракдан туйиш, қалбдан ҳис этиш мумкин, холос. Шунга кўра, тақдирнинг бу иноъоми Ҳаёт китоби — Турмуш сабоғи деб номланади. Уни ҳар ким ўзича ўқийди, унга ҳар ким ўзича амал қилади.

Сир эмас, оила қуриш замирида жуфт бўлиб яшашдек соф Ният, насл қолдиришдек эзгу Тилак ётади. Бу орзулар аввало Яратганнинг марҳамати, сўнгра эр-хотиннинг ўзаро меҳр-муҳаббати, вафо-садоқати туфайли ижобат топади. Бироқ ҳаётнинг инсон олдиндан билмаган ажаб савдолари, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган қалтис ғавғолари кўп. Баъзан бевақт ўлим ёки тасодифий фожиа оқибатида гулдек оила инқирозга учрайди. Гоҳида фарзандсизликлари, битта тирноққа зорликлари боис эр-хотин ўзлари истаган-истамаган ҳолда ажрашиб кетадилар. Қолаверса, халқда «Бенуқсон — Парвардигор» деган масал бор. Одамзод эса, кимлигидан, қандай мансаб-мартабага эришганидан қатъий назар, барибир, хом сут эмган банда. Оилавий

Инсон, оила ва жамият

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

ҚЎШ УСТУНЛИ АЙВОН

Уни кимлар ва қандай қуради?

У АДОЛАТНИ ЯХШИ КЎРАРДИ

Жалолиддиннинг сийрат ва ўтлиғ кечмиши ҳақида тарихчилар ўртасида турли-туман, баъзан бир-бирига зид бўлган фикрлар мавжуд.

Жалолиддиннинг шахсий котиби бўлган муаррих ан-Насавийнинг таърифича, «У... сўзи туркча бўлиб, форсча ҳам сўзлай оладиган киши бўлган. Мардлик борасида у шерларнинг шери ва довюрак суворийлар орасида энг жасури эди. У ювош киши бўлиб, жаҳл қилмас ва сўкинмасди. У жиддий киши эди, сира кулмасди, фақат жилмайиб кўярди ҳамда камгап эди, адолатни яхши кўрарди». Жалолиддин Мангуберди мўғулларга қарши озодлик курашини олиб борди. Ёш Хоразмшоҳнинг илк ёрқин ғалабалари мўғуллар асоратига қарши умумхалқ қўзғолонини ва озодлик курашларини бошлаб бериши шубҳасиз эди. Халқ қуролли исёнлар кўтариб мўғул нойибларини ўлдирди. Марв, Ҳирот, Самарқанд, Балхдаги ва Сурхондарёнинг юқори оқимидаги ғалаёнлар кучайиб кетди. Марвда исёнчилар ҳокимиятни 1222 йилга қадар ўз қўлларида сақлаб турдилар. Жалолиддин Мангуберди тирик экан, Чингизхон қозонган ғалабалардан хотиржам бўла олмасди.

Мўғуллар Хуросонни босиб олганларидан сўнг Жалолиддин Ҳиндистон томонга йўл олади. Чингизхон уни таъқиб қилишга шунчалик берилиб кетадики, гўё гап мўғуллар империясининг ҳаёт-мамоти устида кетаётгандек. Аслида ҳам шундай эди.

Чингизхон ёш Жалолиддинга 1221 йили ноябр ойида етиб олади. Улар ўртасидаги жанг 3 кун давом этади. Лекин кучлар тенг бўлмаганлиги туфайли Жалолиддин ён беришга мажбур бўлади. Ҳинд дарёсидан сузиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлади. Эр йигитнинг бу ҳаракатидан Чингизхон қаттиқ ҳайратга тушади.

Мўғулларнинг қўшини Жалолиддин қўшинига икки баробар келарди. Шундай бўлса ҳам, Жалолиддин армияси турли-туман жангларда ғалаба қозониб, борган сари ўсиб борди.

Жалолиддин Мангуберди қўшинда чиққан низолар туфайли кўп азият, жафолар чекди. У Ҳиндистон орқали Ироқ томонларга кетишга мажбур бўлди.

Жалолиддин Ироққа юриш давомида Кармон, Исфаҳон ва Шерозни қўлга киритади.

1226 йилдан бошлаб бутун Шарқий Туркистонни эгаллайди.

Жалолиддиннинг туғишган синглиси Хонсултон Чингизхон қўлига тушиб, унинг ўғли Жўжига хотин қилиб узатилган эди. Жалолиддиннинг қаҳрамонликларидан хабар топган синглиси унга мактуб жўнатади: «Сенинг кучинг, сенинг қудратинг ва мулкларинг кенглиги тўғрисидаги хабар ҳоқон қулоғига етди. Шунинг учун у сен билан қариндош тутинишга ҳамда сизларнинг мулкларингиз Жайҳун дарёси билан чегараланиши тўғрисида келишиб олишга аҳд қилди. Дарёгача бўлган ҳамма мулклар сеники, дарё ортидаги барча мулклар уники бўлади, шунинг учун, агар уларга қарши туриш учун куч топсанг, ўч ол, уларга қарши жанг қил, енгсанг, истаганингни қиласан. Йўқса, агар улар шуни истаб турган экан, шундан фойдаланиб улар билан яраш».

Табиийки, Жалолиддин бу таклифга рози бўлмайди. У босиб олган ҳудудлар ҳукмдорлари бирикиб, Хоразмшоҳ ерларини бўлиб олишга киришади. Ғанимлар, мўғулларга яширинча хат жўнатиб, Жалолиддин Озарбойжонда эканлигини ва жуда кучсизланиб қолганлигини етказишади. Мўғуллар бу хабарни эшитиб, дарҳол Озарбойжонга ҳужум қиладилар. Жалолиддин ёлғиз тушиб қолади. Курдистон тоғларида ўлдиради.

У якка ўзи 11 йил мўғулларга қарши тура билди. Ўз халқининг, она юртининг озодлиги учун юрак эътиқоди билан курашди. Жалолиддин мўғул босқинчиларининг дунё сари юришларига сарфланажак тажовузкорона куч-қувватини ер билан яксон қилди. Ер бағрига ўрлаётган ёвузлик илдизини қуритди. Айни шу нуқтаи назардан ҳам Жалолиддин том маънода дунёвий қаҳрамонга айланди.

Миркомил СОДИҚОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти аспиранти

«Янги меҳмон» дунёга келди...

Моҳи Рамазон руҳ юксаладиган, қалб покланадиган, гуноҳлар озаядиган, шайтон занжирланадиган, раҳмат нури ёғиладиган палладир. Қуйида имонёрлар соғинадиган бу ой турли мусулмон давлатларида қандай кутиб олиниши ва ўтказилиши ҳақида қисқача маълумот бериш мақсадида Аҳмад Муфтий ўғли асаридан бир парча эълон қилишни лозим кўрдик.

Моҳи Рамазон ўқишлари

Аҳмад МУФТИЙ ўғли

МУБОРАК ОЙ

Мусулмон мамлакатларида у қандай кутиб олинади?

МАДИНАИ МУНАВВАРАДА РАМАЗОН

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳижрат қилган Мадинаи Мунаввара аҳолиси ҳар йили Рамазон ойи келишини зўр қувонч билан кутади. Эркак-аёл, ҳатто, болакайлар ҳам келаётган Рамазондан жуда хурсанд эканликларини изҳор этишади. Бу ҳақда бир мусулмон шундай ҳикоя қилади: «Рамазон руҳий ва диний моҳияти ила, яъни рўза фарзини адо эттириши билан халқимиз орасида ҳамон яшамоқда, фақат баъзи одатлар ўзгарган, холос. Авваллари оилалар шаъбон ойида бир неча кунга шаҳар атрофидаги боғ ва дала-ҳовлиларга кетишарди. Бароат кечасида болалар биргаликда маҳаллаларни айланишар, қўшиқ айтиб, одамларни муқаддас кечадан бохабар қилишар, эвазига турли ҳадялар олишарди. Ҳадялар кўпроқ ҳолва, қанд-қурс ва пулардан иборат бўларди. Болалар Рамазоннинг биринчи, ўн бешинчи ва байрам кечасида Рамазон қўшиқлари айтишарди.

Дастлабки ифтор ёки саҳарлик оила бошлиғининг уйида бўларди. Кейин улар ҳам болалари уйига ифторлик ва саҳарликка боришарди. Бутун рўза ойи давомида қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар бир-бирларини зиёрат этишарди. Дастурхонга хурмо, шўрва, кунафа, турли сабзавот-мевалар қўйиларди. Пиширилган таомлар болалар орқали қўшниларга чиқариларди.

Мадинадаги Рамазоннинг энг аҳамиятга молик хусусияти Масжиди Набавийда бўладиган ифторликдир. Ҳамма жамоа бўлиб намоз ўқиш, мўмин биродарлари билан ифторлик қилиш саодатидан баҳраманд бўлиш учун масжидга оқиб келади. Дастурхонга бир-бирларини лутф билан таклиф этади. Сўнгра хуфтон, тарович ва таҳажжуд намозлари жамоа бўлиб ўқилади.

Баъзилар Рамазоннинг сўнгги ўн кунини масжидда эътикофда — ибодат ва тафаккурда ўтказадилар. Булар ҳозир ҳам илгаригидек амалда бўлган гўзалликлардандир. Болалар ҳам оталар билан масжидда қолишади. Қуръон ёдлаш ва ўқиш билан шуғулланишади. Афсуски, уйда қулайликлар ортган сари бундай ажойиб одатларни жамоа бўлиб адо этиш камаймоқда.

Ойнинг сўнгги ўн кунида Масжиди Набавий жуда гавжум бўлади. Атрофдаги меҳмонхона ва бозорлар одам билан тўлиб-тошади. Дунёнинг ҳар тарафидан келган зиёратчилар Масжиди Набавийни, қиблатайн масжидларни, биринчи жума намози ўқилган Масжиди Жумани, Уҳуд жанги шаҳидларини, Ҳандақ жанги хотираларини сақлаган Етти масжид (Сабъа масжид) каби зиёратгоҳларни айланишади, ислом тарихининг саодат асрини инжалаб ўрганишга, янгича яшашга киришишади.

(Давоми келгуси сонда)

— Нишолдага кеб қолинг... Бу неъмат умид ва меҳрнинг қоришмасидан тайёрланган, биродар!

Янги тадқиқотлар

КАШФ ҚИЛМОҚ СИРЛАРИ

Халқимизда «Отангга раҳмат!» деган ажойиб бир ибора бор. Мана шу иккита сўзда олам-олам маъно мужассам. Агар ушбу маъноларни бирма-бир тасниф қилсак, каттагина ҳажмдаги қизиқарли мақола вужудга келади. Бироқ ҳозир гап ҳажм ёки мақола ҳақида эмас, сўзлар хусусида кетмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу ибора икки алоҳида сўзнинг бир бутунлигидан ҳосил бўлган. Худди шу жойда ажойиб хулосага келиш мумкин: Сўзлар доимо бутун бўлади! Дарвоқе, юқоридаги гап ишни қойил қилган кишига нисбатан айтилади.

Ижод — Тангрининг Одам боласига қилган энг буюк иноятидир. Шу боис ҳам мутасаввифлар «Инсон тимсолида Яратувчи акси мавжуд» деганлар. Дарҳақиқат, яратиш ёлғиз Оллоҳга хос бўлса, кашф этиш инсонгагина ато этилган хусусиятдир. Эҳтимол, шунинг учун ижодкорларни инсон қалбининг кашфиётчилари дейишар?!.. Шу ўринда ижод нима, ижодкор ким, ўқувчининг бу иккисига нима алоқаси бор каби бир қанча саволлар туғилиши табиий. Қодир эгам дард билан бирга унинг давосини ҳам яратганидек, юқоридаги саволларнинг ҳам ўз жавоби бор. Бу жавобни бизга адабиётшунослик, аниқроғи, танқидчи айтади. Хўш, танқидчи ким? Бу саволга жавобни эса таниқли адабиётшунос олим, зукко ва билимли танқидчи Абдуғафур Расуловнинг шу йил «Маънавият» нашриётида чоп этилган «Илми ғарибани қўмсаб...» номли муъжаз китобчасини ўқиб, жавоб топиш мумкин. Мен муаллифга нисбатан «билимли» сўзини бекорга урғу билан ёзганим йўқ. Чунки у ростдан ҳам билимли, кўп ўқийдиган олим. Айнан шу хислатнинг ўзиёқ кўпчилик олимларда етишмайди. Ушбу муъжиза натижаси бўлмиш китобча кўп ўқиш, энг муҳими ўқиш, янаям тўғрироғи, ҳис қилиш салоҳияти ўлароқ дунё юзини кўрди. Бунга ишонмасангиз, китобни ўқиб кўринг!

Очиғини айтганда, бизда юзакилик касали анча чуқур илдиз отган. Бу ҳол адабий танқидга ҳам бегона эмас. Танқид деганда кўпчиликнинг кўз олдига бировнинг юзига боплаб лой чаплаш келади. Ёки аксинча, бўрттирилган ҳамду санолар эсга тушади. Учинчи усул ҳам бор: кўпроқ мақтов плюс жиндай танқид, баробар қоришиқ манфаатлар... Булар эса ўз навбатида уч тоифа танқидчиларни «етиштирди»: биринчиси — танқидчи публицистлар, иккинчиси — иқтибосчи танқидчилар ва ниҳоят «ҳақиқий танқидчилар». Биринчисида илмий эстетик фикрлаш йўқ, иккинчисида ўзининг айтадиган гапи ноаниқ, учинчиси яхши нарсани кўролмайди, яъни дидсиз. Бу тизимни келтириб чиқарган сабаб адабий танқиднинг вазифасини нотўғри тасаввур этиш, унинг асос ва услубларини билмаслик ёхуд чала хабардорлик ҳисобланади. «Илми ғарибани қўмсаб...» китобини ўқисангиз, гап нимадалиги аён бўлади-қолади. Герменевтика нима? Аксиология ва гноселогия ҳақида ўқигандирсиз? Онталогия, ўқиш эстетикаси, биографик методдан яхши хабардор бўлсангиз керак? Йўқ, дейсизми? Унда, мана, китоб, тезроқ ўқинг. Чекланган дедингизми? Тушунинг, бу ҳамир учидан патир, ахир. Қолаверса, бу ёғи сизу-бизга боғлиқ.

Алқисса, китобчада бадиий коммуникациянинг асосий ўнсурларига имкон қадар тўхталиб ўтилган. Бизга шундай китоб керак эди! Ниҳоят, у қўлимизда. Бу митти китобча бошланажак улкан ишларнинг дебочаси бўлиб қолади. Негаки, машҳур ёзувчи Х. Борхес айтганидек, инсон учун энг олий лаззат фикрлашдир. Муҳими шу. Илло, одамда фикр қўзғаш қийин иш. Чунки фикр ўта ялқов ва уйқучидир. Озгина тафаккур қилмасангиз, фикр ўлади. Фикр ўлса, руҳ ҳам қўшилиб дафн этилади. Ҳозир фикрлаяпмизми, демак, тирикмиз. Тирик одамнинг руҳини уйғотса бўлади. Санъат, хусусан, адабиёт ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Умуман олганда, китоб ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин қолганлари «ичи»мизда, ўйимизда, фикримизда давом этади деган ишонч ва умид мени нуқта қўйишга ундади.

Холли НОРБОЕВ,
ТошДУ аспиранти

МЕҲР СОВҒАЛАРИ

Тошкент шаҳридаги «Гавҳар» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси илк маҳсулотларининг бешдан бир қисми Ғузор туманининг узоқ бир қишлоғига Гавҳар туғилиб ўсган қадрдон манзилга юборилди: кичкинтойларнинг турфа кийимлари, жажжи пайпоқлари кўп болали оилаларга тарқатилди.

Фирма раҳбари тадбиркор, оқила аёл Гавҳар Ёқубованинг ота-онадан эрта айрилиб, етимликда кечган оғир кунлари, маҳалла аҳлининг меҳру мурувватти билан укаларини ювиб-тараб катта қилганлиги ҳеч хотиридан чиқмайди. Бу кечмиш йилларда, энг асосийси, улар меҳнат қилишни, меҳнатдан манфаат кўришни ўргандилар.

...Мактабни тамомлаб Гавҳар тикувчилик фабрикасида ишлай бошлади, турмуш қурди. Бир янги умидлар билан ёш оила азим Тошкентга кўчиб келди. Бу пайтлар янги замон саболари эсиб, мустақиллик илк муъжизаларини намоён қилаётган эди. Гавҳар тезда бухгалтерлик ва компютер курсини ўқиб тугатди. Турмуш ўртоғи Рустамжон билан биргаликда кредит ҳисобига мўъжазгина ишлаб-чиқариш корхонаси очдилар. Ёш, оташин юракларнинг иродаси орзуларига монанд эди. Замон уларга боқиб турганини қалбдан ҳис қилган ёшлар имкон қидирдилар, изландилар, бир сўз билан айтганда, юракдай тиним билмадилар. Ниҳоят тикувчилик цехини ишга туширдилар ва унинг илк маҳсулотлари дўкон пештахталарига қўйилди, харидорини топди. Ишлаб чиқариш эса тобора кенгайиб боряпти.

...Болалар кийим-кечаги тахланган қутилар — меҳр совғалари автомашинага юкланди ва машина яна Гавҳарнинг қадрдон қишлоғига қараб йўл олди...

Воҳид САИДОВ

ҳаётда билиб-билмай хатога йўл қўйиши, кўнгил кўчаларида дарбадар кезиши ҳеч гап эмас. Қарабсизки, кимдир асосли-асоссиз, рашк баҳона ёки кечириб бўлмас хиёнат туфайли ўз ёстиқдошига нисбатан ишончини йўқотади. Бошқа биров эри ичкиликка ёки гиёҳвандликка берилиб оиласига қарамай қўйгани, учинчи бир одам хотини хаста-майиб бўлиб корига ярамай қолгани учун хонадонидан юз ўгириб кетади...

Начора, биров билан бирга яшаш-яшамаслик ҳар кимнинг ўз инон-ихтиёри. Том маънода, кўнгил иши. Кўнгилга эса буюриб ҳам, тўсқинлик қилиб ҳам бўлмайди. Давомини суриштирсангиз, оила аталмиш муқаддас кошона ўзига хос давлат — дахлсиз қўрғондир. Бу қўрғоннинг кўз илғамас ўз чегара ҳудудлари, биронбир ҳужжатда қайд этилмаган ўз тартиб-қоидалари бўлади. Уларни ҳуда-беҳуда ҳатлаб ўтишга, четдан туриб «Сен кўз очиб кўрганинг билан умрбод бирга яшашга маҳкумсан!» ёки «Бугуноқ фалончидан ажрашасан» дейишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Буни халқимиз азалий нақлларида мухтасаргина қилиб қуйидагича ифода этган: «Ҳар ким суйган ошини ичади», «Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади».

6 Шундайликка барибир оддий бир шундайку-я, аммо ҳақиқатдан кўз юммаган маъқул. Севишриш-қурмаслик зоеврилик шахсий ишларидек кўринсада, ботинан ҳаммага дахлдор ижтимоий ҳодисадир. Бу ҳолат улар тинч-тотув яшаётганларида, эҳтимол сезилмас. Худо кўрсатмасин, аксинча бўлса-чи? Яққол билинади.

Биринчидан, уйида тинчини, ҳузур-ҳаловатини йўқотган одам меҳнат жамоасида ҳам, эл-улус орасида ҳам ўзини бахтиёр ҳис этолмайди. Ҳаётию турмушидан ҳам, касбию ишидан ҳам кўнгли совийди.

Иккинчидан, оила завол топди дегани бу — собиқ эр-хотин бошқа-бошқа томонга қараб кетди, дегани эмас. Турмуш бузилса, аввало, севги зор қақшайди. Аҳду паймон ўрнини кин-адоват эгаллайди, вафо-садоқат ғўшасида ниёнат яйрайди. Инсоний меҳр-муҳаббат йўқолади, бўрч ва масъулият унутилади. Сабр-тоқат бегоналашади, бахт-иқбол саробга айланади. Ўртада бечора муҳаббат сағир қолади.

Учинчидан, энг ачинарлиси, энг даҳшатлиси, бундай кезларда айб-хато аслида эсли-ҳушли катталардан ўтади-ю, жабрини ҳамиша ишқнинг ширин меваси — бегуноҳ болалар тортадилар. Улар албатта ё ота, ё она меҳридан жудо бўладилар. Аксарият ҳоллари падари ҳам, волидаси ҳам ҳаёт бўла туриб, тирик етим деган ном орттирадилар. Таассуфки, кейин ҳам бу тавқи-лаънатдан қутулолмай, умр бўйи қисиниб-ўксиниб юрадилар. Улар учун жамики қариндош-уруғ, бутун маҳалла-кўй минг меҳр-мурувват кўрсатса-да, ҳаргиз дунёга келтирган ҳақиқий ота-онаси ўрнини босолмайди. Айни чоғда, бугун жигарбандини зор қақшатиб кетган одам эртага етти ёт бегонанинг боласига оталик ёхуд оналик қилолмайди, унга бор меҳрини беролмайди. Қайтага ўша бояқишнинг ҳам кўнглини яримта қилиб қўяди.

7 Ва ниҳоят, тўртинчидан, қисмат чорраҳасида чирқиллаб қолган норасидалар фақат ажрашиб кетган бир шу ота-онанинггина эмас, жамиятнинг ҳам фарзандларидир. Қайсики юртда бундай бахти кемтиклар кўп бўлса, ўша жойда файз-баракага путур етади, тараққиёт суст кечади. Шунинг учун ҳам ўзлигини англаган, келажагини ўйлаган ҳар қандай давлатда оилага жамият равнақини таъминловчи омил сифатида қаралган, уни мустаҳкамлашга жиддий аҳамият берилган. Буни ота-боболаримизу буви-момоларимиз яхши билишган, яхши тушунишган. Мудом оилани муқаддас ҳисоблашган. Гоҳи бир коса сув, бир товоқ ош билан никоҳ ўқитган, бир-бирларини асосан гўшангада кўрган-таниган бўлсалар-да, барқарор турмуш қуришган. Оғир кун кечирсаларда, мушкулотларга сабр-бардошли, борига қаноатли бўлишган. Янги келин-куёвларнинг тажрибасизликлари оқибатида келиб чиққан «сан-ман»ларнинг қозихонаю суд маҳкамасигача етиб боришининг олдини олишган. Келишмовчиликлар сабабини аввало хеш-ақраболар, маҳалла оқсоқоллари аврасида муҳокама қилишган. Ёшларга уйланиш ёки эрга тегиш якка висол лаззатидан иборат эканлигини эслатишган. Оғир-босиқлик, кечиримлилик оилавий тотувлик асоси эканлигини уқтиришган. Ўз навбатида ёшлар ҳам кўпни кўрган кексалар панд-насиҳатига қулоқ тутишган. Натижада араслашган эр-хотин ўртасидаги низолар ижобий ечим топган. Ҳатто, жар ёқасига келиб қолган оилалар ҳам қайта тикланиб кетган. Муҳими, мурғак гўдаклар етим бўлиб қолмаганлар.

Ҳозир-чи? Минг қатла шукур, эл тинч, юрт обод. Яна денг, ҳамма саводхон, ҳамма билимдон. Бугунги эр-хотинларнинг аксарияти севишиб-синашиб никоҳдан ўтишган. Жилла қурса, олдиндан учрашиб-танишиб, сўнг бир ёстиққа бош қўйишган. «Энг нозик масала»га доир билим-тушунчалари ҳам чакки эмас. Катталар-ку, майли, ўз йўлига, бунақа мавзудаги китоб-газеталарни ўқийвериб, «азартний» кино-видеоларни кўравериб, айрим ёшларнинг ҳам кўзлари пишиб кетган. Ўзларига қўйиб берсангиз, ҳали лоақал мурти қораймаган ўсмир-йигитча аллақачон уйланган акасига севги бобида тап тортмай ақл ўргатади. Ҳали эрга тегмаган, туғиб қутилмоқ — ўлиб тирилмоқ нелигини билмаган навқирон қиз отаси-бобоси тенги одамларни бир даврага йиғиб, ойнаи жаҳон орқали спиду жинсий алоқага доир суҳбат ўтказади. Сал эътибор билдирсангиз, нақ балога қоласиз: «Ҳа, тўғри-да, биз ҳар жиҳатдан етук ҳисоблансак, келажак қўлимизда бўлса, бировнинг насиҳатига зормизми? Аллақаерлардаги Тоҳиру Зуҳро, Мажнуну Лайлодан бошқасини тан олмайдиган қари чоллар нима қилади бизнинг ишимизга аралашиб? Беҳуда қуруқ гаплар билан миямизни қоқиб қўлимизга бергандан кўра, соч-соқолларини қиртишлаб юришни, оғзидаги носини қаерга туфлашни ўргансалар, бўлмайдими?..»

8 Очиғи, мана шунақа беҳаё гапларни эшитганингда, беихтиёр тутоқиб кетасан. Ўша бетамизларга қарата: «Ҳов, маданиятли инсон, сен жинсий муносабатларга бағишланган асарларни, озми-кўпми кўрган-ўқиган бўлсанг, бордир, лекин сенинг наздингда шарти кетиб, парти қолган мана бу «эзма чоллар» ҳаёт, ор-номус китобини кўп ўқиганлар, турмуш, шарм-ҳаё сабоғини хўб ўқиганлар. Нега уларни менсимайсан, нега уларнинг панд-насиҳатига қулоқ осмайсан?» дея ҳайқиргинг келади. Акс ҳолда, ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, биз ростданам ўта билимдон, ўта зукко бўлсак, оилавий қўйди-чиқдилар нима учун тобора камайиш ўрнига кўпайиб бораяпти? Бир вақтлар халқимиз учун иснод ва уят ҳисобланган оилавий ажрашишлар нима учун оддий ҳолга айланиб қолаяпти? Турмуш қурғунча бири гўёки Ромео, иккинчиси бамисоли Жулетта бўлиб юрганларнинг, «Уламан саттор, сенсиз менга бу дунё ҳаром!» деганларнинг биргаликдаги ҳаёти қандай сабоблар боис мустаҳкамланиш ўрнига зимдан зил кетяпти? Келинг, энди ҳадеб ёшларни айблайверитуб илдизига теранроқ назар ташлайлик. Шундай йўл тутсак, таёқнинг иккинчи учи ўз бошимизда синишини илғаб оламиз. Чунки девор қийшиқ кўтарилса, тез қулайди. Дарё суви бошиданоқ лойқа келса, қуйи оқим ҳам ғоратга учрайди. Биз буни биламиз. Биламизу, барибир, болажон халқлигимизга, ўта кўнгилчанлигимизга борамиз. Қачон қараманг, фарзандимиз — дилбандимиз деб елиб-югурамиз. Йиллар мобайнида ўғил уйлантириш, қиз чиқариш илинжида ризқ-насибамиздан қийиб, маблағ йиғамиз. Бўлажак келин-куёвга кундалик кийим-кечакдан тортиб кўрпа-тўшаккача, қиммат-баҳо мебелдан тортиб данғиллама уйгача, нимагаки қурбимиз етса, барча-барчасини муҳайё этамиз. Кейин камида бир ҳафта тўй қиламиз. Наҳорги ошга, ўлдим деганда, етти маҳаллани айтамиз. Никоҳ куни келинпошша билан куёвтўра-ю, уларнинг дугона-ўртоқлари хизматига ўзимиз минишимиз нарида турсин, ушлаб ҳам кўрмаган «иномарка»ларни қаторлаштириб қўямиз. Базм оқшомию, «чарлар»ларда, келинсалому «отакўрди»ларда яна бор-будимизни тўкиб соламиз.

Бу тантана-тадбирларнинг ҳаммаси айланиб келиб, қулинг ўргилсин «муллажиринг» ҳисобига бўлади. Боринг-ки, бебилиска пул топадиган аллақайси порахўр-бойвачча ёки эгриқўл кимса учун юз минглаб сўмга ўғил уйлантириш сохта обрў орттириш омилидир. Борингки, ҳокимнинг прокурорга, прокурорнинг вазирга қуда бўлиши, юртбошимиз айтганидек, пул пулни таниши, бойлик бойликни топиши, лавозим курсисини янада мустаҳкамлашнинг пинҳона — сирли йўлидир. Эҳтимол, мансабни мол-дунё орттириш, фаровон яшаш манбаи деб билган қайсидир амалдор учун «саньаткор»лару «нозик меҳмонлар» боши узра «кўки»дан сочиш шунчаки «қўлнинг кири»дир. Лекин ойлик маош эвазига зўр-баъзўр кун кечирадиган оддий ишчи-хизматчи учунчи? Ҳалоллиги боис оила аъзолари ярим ойлаб гўшт емайдиган содда деҳқон учун-чи?

Шубҳасиз, турган-битгани ортиқча ташвиш, ортиқча ғалва. Ишонмасангиз, ана, ўзингиз кўринг: кечагина, орият кучли, вадаванг тўй қилиб, бугун қозонини сувга ташлаб ўтирганлар қанча? Бировдан олган қарзини узиш умидида ўзини минг бир ўтга — чўққа урганлар қанча? Азбароймаи йўқчилик, осғлиғини йўқотиб, эгри йўлга кирганлар қанча? Шу алфоздаям денг, зиғирча нолиш, заррача сир бой бериш йўқ: «Хўш, нима бўпти, биздан бирор хатолик ўтибдими? Тўй қилиш жиноят эмас, юрт таомили-ку. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда бола-чақамиз деб юрибмиз-ку. Энди бор-йўғимиз шуларники-да...»

9 Ҳа, баракалла! Орзу-ҳавасга етиб, тўй қилишнинг жиноятга ҳечам алоқадор жойи йўқ. Ўз шодлигини бошқалар билан баҳам кўришнинг ёмон томони йўқ. Шунинг учун ҳам халқимиз бировни алқаса, «Топган-тутганиши кунларингга бу ўн-ўн беш йиллаб елга совуриб, зингга бир умрга ҳалолинг бўлсин, яхбуюрсин»! дейди. Аммо йиққанингни уч-тўрт кункатта тўй қил, ўғил-қиз, етадиган нарсаларни албатта ҳозирлаб қўй, дегани эмас. Сабаби ота-она фарзандига тахт яратиб берса, бера оладики, ҳарчанд урингани билан бахт яратиб бера олмайди. Ҳар бандаи мўминнинг бахт-иқболи ўзи билан бўлади. Ҳақиқий бойлик мол-дунё билан баҳоланмайди. Бас, шундай экан, вояга етган ўғил-қизларимиз нима учун заҳмат чекмасликлари керак? Нима учун бўйлари бўйимизга, ақллари ақлимизга тенг бўла туриб тайёрга айёрлик қилишлари керак? Ёки ота-онани уларга тоабад боғлаб берганми?

Бунисини билмадим, фақат бир нарса аниқ: осон эришилган бахт мўрт келади, машаққатсиз топилган бойлик қўпда беқадр бўлади. Унинг асорати дастлаб ончалик сезилмайди. Эр-хотин ўн-ўн беш йил бирга яшаб, 30-40 ёшни қоралаганда билинади. Негаки, айнан шу даврда улардаги илк эҳтирослар бирмунча сусаяди, хонадондаги буюмжиҳозлар эскиради. Оилада иккитами-учтами фарзанд туғилади, уй-рўзғор ташвишлари кўпаяди. Энди хотин эрининг кўнглини овлашидан ташқари болаларига қараши, уларнинг кийим-кечагини ювиб дазмоллаши лозим. Эр эса, кўпроқ пул топиши, бозор-ўчар қилиши даркор. Бинобарин, иккаласининг бўйнига росмана «ола хуржун» илинади, ота-оналари қартайиб қолгани сабабли ўз араваларини ўзлари тортишларига тўғри келади. Бунга қўниксалар-ку, хўп-хўп, қўникмасалар-чи? Устига устак, оилада моддий етишмовчилик юзага келса-чи?

10 Бутун машмаша ана шу ҳаҳзадан бошланади. Тонг саҳардан тун алламаҳалгача уй-рўзғор, мол-ҳол ташвишлари билан елиб-югурган хотин келинчаклик онларини эслайди. Кир совундан оқемга айланган қўлларига, кийилавериб униқиб кетган уст-бошига қараб ҳаёлга толади. Бир вақтлар қуёви икковлон концерт-киноларга борганларини, эрталабгача адоқсиз ширин суҳбат қурганларини қўмсайди. Ишдан ҳориб-чарчаб қайтган эр ҳам хотинининг аввалги ясан-тусанларини, ноз-карашма, ширин сўз-ла қутиб олганларини соғинади. Бироқ, ўтган умр — қуйган кўмир. Вақтни ортга қайтариб бўлмайди.

Алалҳусус, умидлари пучга чиққан эр-хотин энди бир-биридан фазилат эмас, нуқсон ахтаради. Биринчи бўлиб хотин дил ёради. Эрини оилани боқолмайдиган ношудга чиқаради. Акс-садо бўлавермагач, нозик жойдан ушлайди: «Эркакмисиз ўзи. Бола туғдиришни билгандан кейин боқишниям эпланг-да. Фалончилардан озгина ибрат олсангиз бўлмайдими?». Бу сафар эр чидолмайди, нафсонияти қўзийди. «Ўззукун эшакдай ишлаб, орттирганим шу бўлса, нима қилай? Ўғирликка қўл урайми? Ё ўзимни ўлдирайми? Чидамасамнинг қибла!» деб нг, ана, бор, тўрт тобақиради. Шу асно «Аҳмоқ бўлмасам, қиз қуриб кетгандай келиб-келиб шу ношукурга уйланманми? Ўшанда кўзим қаёқда эди», деган фикрни хаёлдан кечиради. Сўнг кўчадан ўзига овунч излайди. Бундан хотин бошқача хулосага боради, кўнглига ҳар хил шубҳа-гумон оралайди. Ўзини эътибордан четда қолган, ноҳақ камситилган ҳисоблайди. Шу тариқа жанжал авж олаверади. Бора-бора ўртадан меҳр кўтарилаверади, хонадондан файзу барака йўқолаверади. Пичоқ суякка бориб қадалгач, бири «кўяман»га, иккинчиси «кетаман»га зўр беради. Айни пайтда уларнинг нафратга тўлган қалбларида молпарастлик иллати ниш уради. Эр отаси тўйга қанча маблағ сарфлаганини хомчўт қилади, хотин олиб келган сепларини бир бошдан ҳисобга олади. Худди мана шундай қалтис пайтларда қуда-андалар ўртага тушсалар, эр-хотинни инсофга, сабр-қаноатга чақирсалар, олам гулистонлигича қолади. Билакс, низолар чўққисига чиқади. Энг қизиғи судда бўлади. Томонлар оила тақдири, болалар қисмати бир ёнда қолиб, мол-мулк, мерос талашишга тушиб кетадилар. Минг йиллик гапларни кўзғаб, бир-бирига маломат тоши отадилар. Афсус, минг афсус, бундан ҳеч ким ютмайди, ҳамма бирдек ютқизади.

Ана, кўрдингизми, қўш устунли айвонни — оила қўрғонини кимлар қуради, нималар бузади? Ишқилиб, ҳеч кимнинг бошига бундай қўргулик тушмасин. Қолганига худо пошшо.

Ёдимиз лавҳалари

БИР СУҲБАТ ШАРОФАТИ

Маннон Уйғур таваллудининг 100 йиллигига

1939 йил ёзида Қорақалпоғистонлик бир гуруҳ ёшлар Москвадаги Луначарский номидаги Давлат театр санъати институтини тугатиб, профессионал санъаткорлик гувоҳномаларини олиб қайтдилар. Улар миллий театр репертуарини янги, бадиий жиҳатдан бақувват, давр талабига жавоб берадиган саҳна асарлари билан бойитишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Шу боис М. Горькийнинг «Васса Железнова», грузин драматурги Г. Мдиванининг «Ватан» драмалари ва Ҳамзанинг «Майсаранинг иши» комедиясини саҳналаштиришни режалаштирдилар.

Театр раҳбарияти бу асарларни саҳналаштиришни ёш режиссёр Тўреш Олланазаров зиммасига юклади. Илк фаолиятини «Майсаранинг иши»ни саҳнага олиб чиқишдан бошлашга қарор қилган Тўреш Олланазаров асар ғоявий мазмуни, қаҳрамонлар яшаган тарихий шароитни пухта ўрганиш мақсадида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг машҳур режиссёри ва актёри Маннон Уйғурга мурожаат қилади.

Уларнинг учрашуви ва илк суҳбати жуда самимий ўтади. Халқ артисти, марҳум Раззоқ Ҳамроев ўз эсдаликларида ёзганидек, Маннон Уйғур ёш режиссёрнинг ижобий фикрларини диққат билан тинглайди, сўнг ўзининг қатъий мулоҳазаларини айтади.

Оғанинг биринчи саволи «Нега Ҳамзанинг айнан шу комедиясини саҳналаштиришга қарор қилдингиз?» мазмунида бўлади. Ёш режиссёр бунга жавобни «Қорақалпоқ халқи табиатида кулгига, ҳазил-мутойибага қизиқиш кучли эканлигини, шу боис Москва студиясида диплом спектаклларига асар танлаганда Молернинг «Скапеннинг найранглари» ва А. Н. Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас» комедияларига тўхталганлигини айтади. «Майсаранинг иши»ни режиссёрлик дебютимга танлашимнинг яна бир сабаби бор, — дейди. — У ҳам бўлса ўзбек ва қорақалпоқ аёллари қисматининг бир-бирига ўхшашлигидир».

— Келтирган далилларингиз, асар мазмуни ва ғоясини тушунишингиз, режиссёр сифатида пиесанинг мағзини чақиб, саҳналарга жойлаштиришингиз, рассом Б. Каменевнинг эскизлари менга маъқул бўлди, — дейди оға суҳбат асносида. — Шу билан бирга, асардаги ижтимоий мотивларга жиддий эътибор қаратмоқни, уни енгил, фақатгина томошабинларни кулдирадиган комедия деб тушунмасликни маслаҳат бераман.

Уйғур ёш ҳамкасбига асар устида иш бошлашдан олдин театрнинг молиявий-иқтисодий имкониятларини пухта ўрганишни, спектаклга кетадиган харажатларни аниқлашни, кучлар имкониятларини ҳисобга олишни ҳам маслаҳат беради. Зарурият туғилса, либослардан ёрдам бериши мумкинлигини эслатади. «Бу бизнинг ўтмишимиз. Ўтмишда ўзбеклар қандай кийинганлигига, удумларимизга, урф-одатларимизга эътибор беринг, — дея таъкидлайди устоз. — Рассомингиз рус экан, унинг устига, тажрибаси ҳам камроқ кўринади. У мен айтган нарсаларни билмаслиги, эътибор бермаслиги мумкин. Лекин сиз режиссёр сифатида саҳна безакларига, либосларга, саллани қандай ўрашга диққат қилинг. Либослар актёр кайфияти, ҳолати учун нечоғли муҳим эканлигини унутманг. Спектаклнинг барча икир-чикирлари, хуллас, ипидан игнасигача режиссёрнинг назаридан четда қолмаслиги керак.

Яна сизга маслаҳатим, яқиндагина республика мусиқий театрининг ижодий жамоаси «Майсаранинг ҳийласи»ни саҳналаштирди. Шу спектаклни томоша қилинг. Бизнинг театримиз спектаклларини ҳам кўрсангиз, зарар қилмайди. Айниқса, Ҳамза драматургиясининг ички қонуниятлари, унинг ўзига хос эстетик томонларини чуқурроқ илғаб оламан десангиз, театримизнинг тажрибали режиссёрларидан Етим Бобожонов яқинда қўйган «Бой ила хизматчи» спектаклини томоша қилиб кетинг».

Улуғ санъаткорнинг маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари таассуротларида Тўрткўлга қайтган Тўреш ижодий жамоага ўзининг режиссёрлик режаларини тушунтиради. Кўп ўтмай комедияни саҳналаштириш бошланади. Режиссёр асардаги лирик ва сатирик йўналишларни аниқ белгилаб, ижобий ва салбий кучлар мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратади. Оға уқтирганидек, асосий ролларни ижро этувчи актёрлар билан талаффуз ва нутқ маданияти устида жиддий ишлайди. Қорақалпоқ актёрлари билан бир қаторда қозоқ ва ўзбек миллатларига мансуб актёрларга ҳам асосий ролларни ишониб топширади.

Натижада қорақалпоқ театри саҳнасидан томошабинлар орзу қилган, актёрлар роҳатланиб ўйнайдиган, бадиий даражаси юксак спектакл ўрин олади. «Майсаранинг иши» каби сермазмун, актёрлар ютуқларига бой спектаклларнинг муваффақияти 1940 йили Тошкентда биринчи қорақалпоқ адабиёти ва санъати декадасини ўтказиш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинишига асос бўлади.

Тешабой БАЯНДИЕВ,
санъатшунослик фанлари доктори



«Самарқанд сайқали рўйи замин аст...»

«МТ» ҳикматлари

ЕТТИНИНГ ЕТМИШ ҚАТИДАН

Бир ҳикматни ўрганмоқ етти дунё (иқлим)ни бир кезмоқ билан баробардир.

* * *

Етти амалнинг бири — ҳиммат.

* * *

Одамнинг етти қат терисидан қалин нарса йўқ (чидам маъносида).

* * *

Етти эшакари (қовоқ ари) бир отни ўлдирибди.

* * *

(Хотини ўлган) эркак хотинининг еттисига келган аёлларга бармоғи орасидан қарар экан.

* * *

Етти жонзот уйга барака (ва саломатлик) келтиради: товуқ, сигир, қўй, от, эчки, ит, қалдирғоч.

* * *

Мунофиқ етти дегунча етмиш тусга киради
Еки каззоб етти дегунча етмиш хил гапиради.

* * *

Етти оға-инини (орасини) бир хотин бузибди.

* * *

Етти юртга ош бергунча
Тегирмонга тош бер.

ДИЛОРОМ тайёрлади

Боболар ҳикмати

НАВОИЙ — ТАБОБАТ БИЛИМДОНИ

Ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий табобатнинг ҳам жонкуяри бўлган. Ул зот табобат асосларини яхши билган ва халқ аҳволини яхшилашнинг замини табобатда деб ҳисоблаган. Ҳиротда «Доруш-шифо» (Даволаш уйи)ни очиб, энг яхши табибларни йиққан ва ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб берган.

Навоийнинг тиббиёт тўғрисидаги фикрлари ҳам беқиёсдир. Қуйида ҳазратнинг адабиётшунослар томонидан шарҳланган шу ҳақдаги байтларидан воқиф бўласиз.

— Табиб ўз соҳасида билимдон ва ҳозиқ, касалларга меҳрибон, сўзлари мулойим, ҳакимлар сўзига амал қилувчи бўлиши лозим.

— Кўп гапирувчи кўп адашади, кўп ейдиган одам кўп касал бўлади.

— Нимаики зарар бўлса, ундан қўрқувда бўл, шундай қилсанг, мушкулларинг осонлашади.

— Май хожанинг димоғини, яъни миясини қиздиргач, ундан уят ва шарм-ҳаё кўтарилади.

— Кишига дангасалик одат бўлиб қолса, бир ишга киришиши қийин кечади.

— Эй бола, кексалар кўнгли жуда нозик бўлади, уни синдириб қўйишдан сақлан, қўполлик қилма.

— Сен йигитлик пайтингда қарияларга хизмат қилмаган эдинг, энди ўзинг қарибсан, йигитлардан меҳр-мурувват кутиб, уларга заҳмат етказма.

— Умримдан 50 йили ўтди, энди жим ўтирсам ҳам бўлади, негаки, жадал ҳаракат қилишга қувватим йўқ.

— Май сув каби тиниқ ва чиройли бўлса-да, сувлигидан кўра оловлиги ортиқдир.

— Меъда тошни эмас, қуввати етадиган ошни ҳазм қилади.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ

«Саодат»нинг янги сони босмадан чиқди

АЁЛЛАР ҚУВОНЧИ

— «Саодат»да Юлдузнинг расми чиқибди, кўрдингми? — деб сўради автобусда кетаётган қиз дугонасидан.

— Йўқ.

— Унда тез ол. Ичида «Гўзаллик сирлари» ҳам бор. Чиройли бўласан...

Қизларнинг суҳбатидан мамнун кулиб кўйдим. Рост-да, орамизда чиройли бўлишни хоҳламайдиган аёл ёки қиз бола бўлмаса керак. Бундан журналимизнинг кейинги сонларида аёл зотининг мана шундай эҳтиёжларига талаб катталигига эътибор беришимизни англадим.

«Саодат» ўзининг янги-янги томонларини кашф этмоқда. Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева «Ўзбек аёли» мақоласида аёллар турмуши, ҳаёти, дарду қувончи, келажаги ҳақида фикр юритади. Наманганлик қўли гул, фикри ҳур аёллар ҳақида шоира Қутлибека Раҳимбоева тўлқинланиб гапиради. Ёзувчи Шукур Холмирзаев волидаи мухтарамалари ҳақидаги эссесида шўролар тузуми қолдирган асоратларни, болалик хотираларини эслайди.

Хоразм каштачилик санъати ўзига хос услубга эга. Бу ҳақда Раъно Зарипова «Кашталарда баҳор суврати» лавҳасида алоҳида тўхталади. Дилором Кўзижон қизининг Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори Насиба Иброҳимова билан суҳбати музейда олиб борилаётган ишлар ҳақида. Барчада қизиқиш ўйғотган «Ўзингдан қўймасин, халқим» мақоласи Холтош Усмонова қаламига мансуб. Севимли хонанда Юлдуз Усмонованинг суратлари жозибадор, суюмли.

Тиниб-тинчимас журналист Гулчеҳра Жамилова «Қари билганини пари билмас» мақоласида уй тутиш, орасталик хусусида табаррук онахонларнинг ҳаётий тажрибаси билан ўртоқлашади. Мақола ҳар бир уй бекасини рўзғор ишларида чаққон, тадбирли бўлишга ундайди.

Азиз муштарий, санъат гўзал, сирли олам. Бу оламда танишиб, бир-бирига меҳр қўйган, чиройли турмуш қурган таниқли санъаткорлар Суръат Пўлатов билан Наима Пўлатова ҳақида Зулфия Мўмин қизининг «Нури муҳаббат» мақоласида яқиндан танишасиз. Журналнинг 6-сонида бундан ташқари тарихга оид рисолалар, таржималар, «Минг бир маслаҳат», «Оила» муаммономаси ҳеч кимни беэътибор қолдирмайди. Улар билан яқиндан танишиш истагингиз бўлса, марҳамат, «Саодат»га обуна бўлинг. Алоқа бўлимларида ҳали обуна давом этмоқда.

ИНДЕКСЛАР:
Якка шахслар учун 867
Ташкилотлар учун 868.

Дилором ИСМОИЛОВА

Бугуннинг саволлари

ДИЛ ТУБИДАГИ ОҒРИҚ

Бу оламда турфа инсонлар умргузаронлик қилишади. Оқилу доналар, ақлию камтарлар билан бир қаторда ҳоҳиллари нодонлар, ақлсизлару такаббурлар ҳам яшайди. Ақлли инсон бор даврларда доимо хурсандчилик, хушнудлик ҳукмронлик қилса, ақли ноқис кимсалар қатнашган даврларда дилсиёҳликлар рўй беради. Масалан, жамоат транспортида ёш-йигит қизларнинг ўриндиқларга «ястаниб» ўтириб олганларини, кекса ва болали аёллар эса тик туришганини кўриш мумкин. Уларнинг айримлари ўзларини ухлаганга солишса, баъзилари газета-журнал ёки китоб ўқиётгандай бўлишади. Гоҳ-гоҳида «ёши улуғроқ одам тепамга келиб, туриб олмадимикин?», — деган ҳадиқда атрофга ўғринча кўз ташлаб қўйишади. Ҳар қандай вазиятда ҳам жой бўшатмаслик пайида бўлишади. Ёнларида нуроний отахонлар, мушфиқ онахонлар, ҳатто ҳомиладор аёллар зўрға чайқалиб, қийналиб бораётганини кўрсалар-да, парво қилишмайди.

Мен бу каби дилни хуфтон қиладиган, руҳни азоблайдиган ҳолатларга кўпинча тоқат қилолмайман. «Қаҳрамон»ни турғазиб юбориб, ўрнига кексаларни ўтиргизаман. Ёшлар учун улардан кечирим сўрайман. Шунда ёшларнинг қай бири тўнғиллаб қўяди. Яна бирови ўқрайиб қарайди.

Мен бу сатрларни ўзимни мақташ ниятида ёзаётганим йўқ. Илло, дилимнинг қаърида пайдо бўлган оғриқ азобида ўртаниб битяпман. Нега ёшларимиз (баъзилари албатта) кексаларга нисбатан бунчалик бемеҳр улғайишмоқда? Баъзилар учун одатий ҳолга айланган бу каби хунук иллат жамиятимизга доғ бўлиб тушиши мумкин-ку? Буни бир сония ҳам унутмаслигимиз лозим. Айниқса, ўша ёшлар бизнинг миллатга мансуб бўлса...

Ўзбегимнинг ўзлиги унинг ширин муомаласида, ширин каломида, бағри кенглигию дили очиқлигида, самимийлигию, инсонпарварлигида яна-да яққолроқ намоён бўлади.

Қачонки, ёшларнинг дилига Аллоҳнинг ўзи инсоф, диёнат уруғини қадамаё экан, уларда инсонийлик туйғуси шаклланмайди. Барча гапларимиз бефойда, бесамар кетади. Яратган эгамнинг ўзи ёшларга инсоф берсагина метрода ҳар куни, ҳар лаҳзада «кекса ва болали аёлларга жой беринг!» деган киши нафсониятини қўзғайдиган сўзларни эшитмоқдан халос бўламиз.

Шу ўринда бир воқеани келтирмоқчиман. Пойтахтдаги 58-йўналишда қатнайдиган автобусга 70—75 ёшлар чамасидаги кекса отахон чиқди. Табиийки, ўриндиқларга тезгина назар солди. Аксарият ёшлар ўриндиқларни забт этишганини кўриб, оғир хўрсиниб қўйди. Мен ёш бир қизни кузата бошладим. У бамайлихотир ўтирарди. Шу алфозда автобус бир бекат юрди. Ортиқ чидай олмадим. Секингина: «Синглим, кечирасиз, шу отахонга жой берсангиз, савоб бўлади», — дедим. У менга қараб бир хўмрайди-да, истар-истамас ўрнидан турди. Отахонни ўриндиққа таклиф этдим. У мени роса алқади. Кейин қизга қараб: «Сенинг ҳам менга ўхшаган отанг бордир, сен ҳам ахир ўзбекдирсан!», — деди. Бу гапни эшитган қиз тезда олдинга юрди ва кейинги бекатда тушиб қолди.

Ўз ишимдан дилим ўксиди. Бир инсонга яхшилик қиламан деб, бошқа бир инсоннинг изза бўлишига сабабчи бўлдим. Бироқ бир нарсага виждоннинг қийналмаслигига амин эдим. Бояги сўзлар қизнинг ёдидан бир умр чиқмаса керак.

Азизлар, отахон минг бор ҳак, келинглар, бу ҳақда кенгроқ фикр юритайлик! Ўзбек эканлигимизни унутмайлик.

Эркин ҲАЁНБОЙ ўғли

Меҳрдан мунаввар чеҳралар

Қор — заминнинг оқ умидлари

СУРАТКАШЛАР ЧЕМПИОНИ

1929 йилда Европадан Америкага қайтиб келган 30 ёшли суратқаш Бейнайс Эботт киндик қони тўкилган Ню-Йорк шаҳрига бағишлаб ўзининг «Афсонавий муҳаббат» номли суратлар тўпламини яратди. Унинг ўз юртига бўлган меҳр-муҳаббати асарнинг муваффақиятли чиқиши учун замин бўлди, албатта. Бейнайс умрининг кўп қисмини дарбадарликда ўтказган десак, янглишмаган бўламиз. Тиниб-тинчимас бу жонкуяр суратқаш Стейтн ороллари-дан Спайтен Дайвилгача бўлган жойларни кезиб, табиатнинг энг жозибали манзараларини суратга олишга муваффақ бўлган.

— Менинг биргина мақсадим бор. Одамларни ўтмишдаги муҳташам ёдгорлик ва биноларнинг нақадар буюк эканлигига ишонтириш — деган эди суратқаш Бейнайс Эботт. У Бутун Жаҳон Тинчлик кенгашининг санъатга алоқадор вазифаларидан бирида фаолият олиб борган пайтларида 307 та асарни ишлаб тугатишга улгурди. 1939 йилда шу асарлардан 97 тасини «Ню-Йоркдаги ўзгаришлар» номли китобига киритган эди. Қолган суратлари эса она шаҳри Ню-Йоркнинг санъат музейида сақлаб қолинди. Дарвоқе, «Ню-Йоркдаги ўзгаришлар» асари 399 бетдан иборат бўлиб, ҳар бири 60 долларга баҳоланган.

Бейнайс Эботт ёзувчиларни ўз дўстидай эъзозлаган, ҳатто франциялик ёзувчи Эйкн Атжетнинг очеркларини ўқигач, унга алоҳида суратлар тақдим этган эди. Ўшанда Атжет ҳайратдан қотиб қолаёзган. Ахир, у Париждаги энг кўркам бино-ю саройлар ва улкан бойликларнинг гувоҳи бўлган эди. Ёзувчининг ҳайрати жўшиб кетдими ёки бу чиндан ҳам улуғ бир мўъжизамиди, Бейнайс Эботтни суратқашлар чемпиони дея таърифлади. Бейнайснинг вафот этганига анча йиллар бўлди, аммо бундан 70 йилча аввал чемпион саналган суратқаш ҳамон америкаликлар учун чемпионлигича қолмоқда. Чунки Бейнайс Эботт қолдирган суратлар АҚШнинг кечаги манзарасини булоқ сувидек тип-тиниқ кўрсатиб турибди.

АҚШнинг «NEWSWEEK» журналидан «МТ» учун Тоҳир ШОМУРОДОВ

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ ТЎҒРИМИ?

Илми нужум қуёш юлдузларнинг осмондаги ҳаракатларию ҳамда бурждаги жойлашувларига қараб ғайбдан хабар беради. Шу тариқа Аллоҳнинг дунё ва инсонларга белгиланган тақдири ва чиқарган ҳукмларидан баъзиларини билиб олиш мумкин. Бироқ бу илмни бидъатга айлантирмасдан аввалги ҳолида биладиган мунажжим борми? Имом Ғаззолий бу ҳислат Идрис алайҳиссаломга мўъжиза сифатида адо этилганини, фақат кейинчалик ўзгариб асл моҳиятини йўқотганини айтган. Буюк муҳаддис Жалолиддин Суютий ҳазратлари «Жамиул Кабир» асарида Ҳазрат Алидан ушбу ривоятни келтирган:

«Фалакиёт илмининг тенги йўқ билимдони ҳазрат пайғамбар Юшо (а.с)дир. Шунчаликки, бу пайғамбарнинг қавми қачон касал бўлишларини, қачон ажал билан юзлашишларини, қай вақт фарзанд кўришларини қуёш, ой ва юлдузларнинг ҳаракатидан биларди. Бу қавм маълум муддат шундай яшагандан сўнг, йўлдан оза бошлади. Ҳақ Таоло уларга қарши Довуд (а.с)ни жўнатди. Ҳазрат пайғамбар ҳақ йўлидан четга чиққан қавм билан кураш бошлади. Улар эса жанг майдонига ҳали ажали етмаган кишиларни жўнатишар, шу усулда Довуд (а.с)нинг жангчиларини яралаб ўлдиришар ва ўзлари безиён қайтишарди. Ниҳоят, ҳазрат Довуднинг илтижо ва тазаррулардан сўнг Ҳақ Таоло қуёшни улар учун сўндирди ва уларни вақт ҳисобидан адаштирди. Натижада улар мағлуб бўлдилар. (Ал-Ухудул-Кубро, Имом Шароний).

Демак, бу илмнинг асоси бор экан. Бироқ Қуръондан ташқари барча диний китоблар ўзгаришга учраганидай, бу илм ҳам асрлар давомида турли ўзгаришларга учради. Бугунги кунда юлдузлар фоли ёки илми нужум деб тақдим этилаётган маълумотлар хурофотдан бошқа нарса эмас.

Юшо (а.с)нинг юқорида зикр этилган уммати бу ҳодисага яққол мисолдир. Нужум илми билан кимнинг ажали етиб, кимники етмаганлигини аниқлай олган қавм Аллоҳнинг расулига қарши жанг қилиш катта фалокат эканлигини англаб етмаганди. Пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадислари нақадар тўғри айтилган: «Фойдасиз илмдан Аллоҳнинг ўзи сақласин».

Хорижий матбуот нашрлари асосида Гўзал ТОШМАТОВА тайёрлади

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0628.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Холли НОРБОЕВ